



# Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid\_uz

ЭССЕ

## АСАРЛАРИ УМРИНИНГ ДАВОМЧИСИ

Ўткир ака билан бир идорада ишлаганмаганмиз. Аммо бирга ишлаган айрим ҳамкасбларимиздан кўра яқинроқ бўлиб кетган эдик...  
... Бу воқеага олти йил бўлди. 1965 йилнинг куз ойлари эди. Мен талабалик йилларимда Чилонзорда ижарада яшардим. Ҳозирги Амир Темур хибонидан Дўмбирободга 23-автобус қатнади. Тошкент давлат университети шу хибонда, Юридик университет жойлашган қадимги гиштин бинода кўним топган эди.



(Давоми 4-саҳифада)

ИЛМ ЙЎЛИ

## ЎЗБЕК МАТЕМАТИКАСИНИНГ ОЛТИН ДАВРИ



Хурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашиб, дилдан мулоқот қилган эди. Ана шу учрашувда илгари сурилган ташаббуслар, Давлат раҳбарининг олимлар олдида қўйган долзарб ва кечиктириб бўлмас масалалари шундан далолат эдики, энди илм-фанга муносабат тубдан ўзгаради, янгича дунёқараш шаклланади. Бундан кейин илм аҳли фақат ўз иши билан машғул бўлади, уларни на "оқ олтин" ҳашари, на моддий-техник базанинг ғариблиги, на маош пастлиги безовта қилмайди.

Хуллас, бугун яратиб берилган шарт-шароитларга муносиб бўлиш, улардан унумли фойдаланиб, юрт тараққиётига ҳисса қўшишгина қолган эди. Ўшанда бундай юксак мақсадлар тез орада амалга ошишига айримлар ишонмагани ҳам сир эмас. Чунки биз узоқ йиллар давомида зиёлиларга панжа ортидан қаралишига, "камтарона" ҳаётга кўникиб қолган эдик.  
Орадан кўп вақт ўтар-ўтмас, Президентимизнинг узоқни кўра билиши, замон талабини тўғри англаб, илм-фанга берган эъти-

бори нақадар тўғри бўлгани яққол аён бўлиб қолди. Зотан, дунёдаги ҳеч бир мамлакат ва жамят илм-фансиз замон талаблари даражасида ривожланиши мумкин эмас.  
Бугун юртимизда жаҳондаги етакчи институтлар, университетлар, илмий марказлар ва академиялар билан илмий ҳамкорлик бутунлай янги босқичга кўтарилди. Хорижнинг етакчи ўқув ва илмий муассасаларида таълим ва илмий даража олган юрдошларимиз учун мамлакатимизда қўлай шарт-шароитлар яратилди.

Ўша тарихий мулоқотдан сўнг ўзини хурмат қилган ҳар бир олим буюк аждодларимиз изидан бориб, манфаатли лойиҳалар устида илмий тадқиқотлар олиб бориши кераклигини теран ҳис қилди.  
Биз бу йўлда дунёга икки буюк Ренессансни тақдим этган улуг салафларимиздан ўрнак олишимиз керак. Шу ўринда биргина Мухаммад Хоразмийни олайлик. Буюк ватандошимиз замонавий алгебра фанининг асосчиси ва "алгоритм" илмий тушунчасининг отаси сифатида бутун инсониятга бебаҳо мерос қолдирди. Ундан бугун

ҳам бахраманд бўлиб турган башарият аждодимиздан ошқора ва ғойибона миннатдор.  
Мухаммад Хоразмий 783 йилда Хоразмда туғилган. Ўша пайтда ушбу шарофатли замин дунё микёсида фан ва таълим марказларидан бири бўлган. Бобомиз ўттиз ёшга тўлмасиданоқ Мовароуннаҳрдан ташқарида ҳам маълуми машҳур эди. Ишонч билан айтиш мумкинки, Хоразмий дунёга донг таратган Марказий осийлик биринчи олим эди. Бундай дейишимизга сабаб, Мухаммад Хоразмий илм-фан даҳоси сифатида шуҳрат қозонган даврда Аҳмад Фарғоний 11 ёшда, буюк муҳаддис Имом Бухорий эса ҳали дунёга келмаган эди. Беруний ва ибн Сино каби алломалар орадан бир аср ўтгач дунёга келди.  
Мухаммад Хоразмийга қадар одамлар математика деганда асосан геометрияни, яъни ерни ўлчашни, янаям аниқроқ айтганда, ер участкаларини ўлчашни тушунишган. Математиклар кўпича геометриклар деб номланган.

(Давоми 2-саҳифада)

ВАТАН МАНЗУМАСИ



Шуҳрат АЗИЗОВ

## Юрт васри

Шайдоликда ой олдимга тушолмайди, Кипригидан поёндошлар тўшалгайдир. Юртим, сенинг гўзаллигинг қаршисида, Гўзалликнинг ўзи ҳам ип эшолмайди.

Сўйлар қаддинг харитаси сирларимни, Эслатар у хипчабелли дилбаримни. Завқим тошиб, ақлим шошар, ой ўрнидан Бўйгинанга ташласам кўз қирларимни.

Дўппи кийган қиздай дилга солсанг ғулув, Ичар сенинг бошингдан гул ўгириб сув, Икки ўрим сочи – икки дарё бўлиб, Эй белига тушган юрт, сен бунча сулув.

Дилим яйрар ҳар баҳор гулбадан бўлсанг, Ўлай сенга, шундай гўзал ватан бўлсанг. Мўрчамийн малагим ип эшар қандай, Сен унданам сулувроқ бир санам бўлсанг.

Ой ўрнига қўйиб кўрдим ўзимни мен, Энди сенга бериб турай кўзимни мен. Ҳаддан зиёд чиройлисан, ишонмасанг, Менинг кўзим билан кўргин ўзингни сен.

(Давоми 4-саҳифада)

МИЛЛАТ ФИДОЙЛАРИ

## ЖАВОҲАРЛАЪЛ НЕРУ ТАНИГАН ЖАДИД

ёхуд тарих бўйича биринчи ўзбек профессори Пўлат СОЛИЕВ ҳақида

Тарих ўтган кунларнинг товуши ва руҳсиз манзараси эмас. Сирдан қараганда, тарих фактлар, саналар, буюқлар ва забунларнинг рўйхатидек кўриниши мумкин. Лекин тарихни ҳолис ва ҳақиқатга содиқ ҳолда ўрганиш, уни аниқ фактлар асосида таҳлил қилиш ҳар бир авлод учун ҳаётий заруратдир. Пўлат Солиев ана шу тамойилга умрини бағишлаган фидойи олимлардан бири, ҳақиқатпарвар ва жасур шахс эди.

Пўлат Солиев 1882 йил 22 мартда Астрахан шаҳрида, ўзбекларнинг мангит уруғига мансуб зиёли оилада туғилган. Расмий ва илмий ҳужжатларда исми Булат, Бекбулат, Пўлат шаклида қайд этилган. Ёшлигидан Қозон ва Уфада анъанавий мадраса таълимини олган; араб, форс, турк, рус, кейинчалик француз ва немис тилларини

пўхта ўзлаштирган. Маълумки, XX асрнинг бошларида Россия мусулмон туркийлари орасида ўзаро бирдамлик ғояси шаклланиб, Туркистонга маърифий ва сиёсий кўмак бериш ташаббуси кўтарилди. Ана шу ҳаракат амалиётига кўра, минглаб зиёли нўғайлар, татар ва бошқирлар бизнинг юртимизга кўнгилли бўлиб кела бошлади. Пўлат Солиев ҳам 1909 йилда Туркистонга келиб, жадидлар сафида Тошкент, Фарғона, Жалолобод, Қўқон шаҳарларида маърифий тарғибот ишларини олиб боради, мактабларда тарих, арифметика ва она тилидан дарс беради.  
Кейинчалик Туркистон Мухторияти ташкилотчиларидан бири, "Эл байроғи" газетасининг бош муҳаррири сифатида сиёсий фаолият олиб боради. Мухторият тугатилгандан сўнг ўзини бутунлай илм-фанга бағишлайди.

(Давоми 7-саҳифада)

ТААЖЖУБ



## КўНГИЛ ДАФТАРИДАГИ БИТИКЛАР

ИЛМ – ЗУЛМАТНИНГ КУШАНДАСИ

Эркенсал деган олим бундан анча йиллар аввал: "Замонавий илмларнинг тамал тошини қўйишдек шарофли вазифа мусулмонларга тегишлидир", деб ёзган экан. Аллен Дебуснинг фикри янада ғурурли: "Мусулмонлар Уйғониш даврига дебоча бўлган технологик ўсишлар эшигини очиб беришди. Афсуски, кейинчалик жоҳиллик деган иллат урчиди. Илм-маърифат йўлларида ғовлар пайдо бўлди, ухровий ва дунёвий илмлар ўртасида ўтиб бўлмас девор тикланди. Улар

бир-бирига зид қўйилди. Дин олими замона илмига эътибор бермади, дунё олими, аксинча, моддалар-растликни "чин илм" деб байроқ қилди".  
1922 йили "Ҳақиқат" журналинда чоп этилган мақолалардан бирида шундай жумлалар бор: "Сўнгги асрлардаги маърифатсизлик, жоҳилликнинг сабаби илмсиз, маърифатсиз хонлар элнинг чироғи-йўлбошчиси бўлган уламоларни ўз бўйинтуруғлари остига олиб, соф йўлни ўз шайтанат йўлларига татбиқ этишганидир".

(Давоми 5-саҳифада)

СУЛОЛА

## ҚЎЛИГУЛ ТОШТАРОШ

Ҳар инсоннинг бармоқ изи – унинг генетик коди. Бу код фақат унгагина хос. Лекин дунёда шундай соҳир қўллар борки, уларнинг кодлари – меҳнати ўз эгаси номини абадиятга муҳрлайди.  
Санттарошлар сулоласининг еттинчи авлоди бўлмиш Тоҳир ота Раҳимов моҳир уста. У пардозтош қазиб олиш ва ишлов беришга ихтисослашган саноат

шаҳри – Ғозғонда икки ўғли, бир қизи, ун набираси билан истиқомат қилади. Отамерос ҳунарига юксак иштиёқи билан меъморий санъат асарларини яратяпти. Машъум қатагон қурбони бўлган бобоси – халқ устаси Абдураҳим Турдиев изидан бориб, улуглар мақбараларини таъмирлашда фаол иштирок этмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)





## Бошланиши 1-саҳифада.

Агар ҳисоб-китобларни амалга ошириш керак бўлса, қадимги математика фақат рақамларга мурожаат қилган, ҳеч қандай формула ишлатилмаган.

Уша даврда рақамлар ва қас сонлар билан ишлаш мураккаб жараён бўлиб, кўпчилик учун тушунарли эди. Европада рим рақамлари ишлатилган, улар билан оддий арифметик амалларни бажариш жуда қийин эди.

Бунинг нималигини аниқ билиш учун мен рим рақамлари билан оддий ҳисоб-китобларни амалга ошириш зарур бўлган битта мисолни келтираман. Қадимги Рим империяси даврида армиянинг асосини легионлар ташкил этган. Ҳар бир легион ўрта қохортадан иборат бўлган. Ҳар бир қохортада 555 нафар пиеда ва 66 нафардан ортиқ аскар хизмат қилган. Оддий саволга жавоб беришга ҳаракат қилинг – ўнта қохортада қанча отлик бор эди? Жавоб бугун сизу биз учун ўта жўн: 66 ни 10 га кўпайтириб, 660 ҳосиласини олсак бас.

Ана энди рим рақамларидан фойдаланиб, LXVI ва X нинг кўпайтмасини топиб кўринг-чи! LXVI x X = DCLX.

Замонавий ўқувчи бу ерда ёзилган нарсаларга қараб ниманидир тушуна олади-ми? Қандай қилиб тенглик белгисининг чап томонда турган ифодадан ўнг томонда турган натижани олиш мумкин? Шунчаки бу тенгламага расм сифатида қаранг ва уни унутинг.

Агар сиз Мухаммад Хоразмийнинг ҳинд ҳисоби ҳақидаги китобидан фойдалансангиз, унда муаммони 0 белгисини ўнг томондаги 66 рақамга кўшиш орқали ҳал қилиш мумкин. Фақат нолни кўшинг!

Нафақат қадимги Римда, балки ўрта аср Европасида ҳам буни амалга ошириш мумкин эмас эди, чунки уларда ноль рақами йўқ эди. Европаликлар илк бор ноль ҳақида Хоразмийнинг китобидан билиб олдилар.

Мухаммад Хоразмийнинг асарлари билан танишган Европа ҳайратда қолди. Лекин христиан руҳонийлари ҳақида бундай деб бўлмади. Улар Хоразмий китобларини тақиқлашга уринди, аммо ҳеч қандай чеклов аллома голяларининг тарқалишини тўхтата олмади. Эндиликда Мухаммад Хоразмий томонидан ушбу китобда баён этилган голялар ҳаётимизга шу қадар кириб келдики, биз бошқача бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмаймиз.

Буюк аждодимизнинг ҳинд ҳисоби ҳақидаги машҳур китобининг лотин тилига таржимаси "Dixit Algorizmi" ("Ал-Хоразмий деди") деган сўзлар билан бошланади. Бутун дунё математиклари шундан сўнг қандай математик амаллар қайси кетма-кетликда бажарилиши кераклиги ҳақидаги ҳар бир аниқ кўрсатмани "алгоритм" деб номлай бошлади.

Мухаммад Хоразмийдан олдин замонавий маънода тенгламалар мавжуд эмас эди. Мерос масалаларини ҳал қилиш учун

таваккал ва хато орқали бўлса ҳам тақсимотнинг барча иштирокчиларини чор-чочор қондирадиган бутун ёки каср сонлар рўқач қилинарди, вассалом.

Хоразмий бобомиз ўзининг машҳур "Китоб ал-жабр ва-ал-муқобала" асарида биринчи марта тенгламалар ечиладиган қоидаларни кўрсатган. Ҳозирда улар биринчи ва иккинчи даражали тенгламалар деб аталади. Ушбу буюк китоб лотин тилига таржима қилгандан сўнг, Европада улар учин-

Бу нуфузли соврин Абель ишидан деярли икки юз йил ўтгач берилса бошланган. Айтиш мумкинки, агар Мухаммад Хоразмийнинг ажойиб рисоли бўлмаганида, ушбу мукофот ҳам бўлмас эди.

Мухаммад Хоразмий 44 ёшга тўлганида, унга Ер шарининг радиусини аниқроқ ўлчаш бўйича ишларни бошқаришни тақлиф қилишди. У иқтидорли ёш олим Аҳмад Фарғонийни ўз жамоасига олиб, бу ишни ажойиб тарзда бажарди. Бундай вазифани

Кейинги даврларда ўлкамизда ҳукм сурган жаҳолат ва мустамлакачилик оқибатида илм-фан тараққиёти ҳам тўхтаб қолгани ҳаммамизга яхши маълум. Мустақиллик йилларида ёш давлатимизнинг имконияти қадар яратилган шароитларга кўниқишга тўғри келди.

Сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар эса илм-фан оламига янги ҳаво олиб кирди. Аввало шуни таъкидлашни ис- тардимки, мамлакатимизда математикани



Шавкат АЛИМОВ,  
академик

мизни кўриб, қойил қолишмоқда.

Энг муҳим ўзгариш – иқтидорли ёшлар орасида математика фанига катта қизиқиш пайдо бўлди. Йигирма йил олдин диссертациялар деярли ҳимоя қилинмай қолиб кетган эди. Ҳозир эса ёш математиклар мукамал диссертацияларини ажойиб тарзда ҳимоя қилмоқда. Натижада бизнинг университетимиз математика бўйича дунёдаги энг нуфузли университетларнинг юқори учлигидан жой олди. Бу шуни аниқлатадики, математик тайёргарлик натижаларига кўра жаҳондаги етакчи университетларнинг 97 фоизи Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университидан куйида жойлашган!


Асосийси, ёшлар энди ўз салоҳиятларини айнан ўз ортида тўлақонли намоён этиш имкониятига эга бўлди. Ишончим комилки, ушбу ислохотлар натижасида ўз истеъдодини тўлиқ намоён этиш учун барча имкониятларга эга бўлган ёшларимиз орасидан Мухаммад Хоразмий каби буюк аждодларимиз асос солган булғ анъаналарнинг муносиб давомчилари бўлган буюк математиклар етишиб чиқади.

Шавкат Орифжонович Алимов 1945 йил 2 март куни тугилган. Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор.

1967 йилда Москва давлат университети танинган. Қатор йиллар мазкур даргоҳда ишлаган. Кўп йиллик фаолияти давомида Тошкент давлат университетида кафедра мудири, Ўзбекистон Фанлар академияси Математика институти директорининг ўринбосари, Самарқанд давлат университети ва Тошкент давлат университети ректори, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг, Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, мамлакатимизнинг Хитой Халқ Республикасидаги Фаёқуллода ва мухтор элчиси вазифаларида ишлаган.

Асосий илмий ишлари математик физиканинг хусусий ҳосилли дифференциал тенгламалари муаммоларига, хусусан, ўз-ўзига қўшма эллиптик операторларнинг спектраль назариясига, дифференциал ва интеграл тенгламалар муаммоларига бағишланган.

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти соҳиби.



чи ва тўртинчи даражали тенгламаларни ечиш учун худди шундай қоидаларни излай бошладилар. Бу энг таниқли олимлар томонидан амалга оширилди. Улар ўртасида очик мусобақалар бўлиб ўтди ва кўплаб томошабинларни жалб қилди. Ниҳоят, норвегиялик таниқли математик Нильс Абель бешинчи ва ундан юқори даражадаги тенгламалар учун умумий ечим қоидаларини яратиш имконсизлигини исботлади ва шу билан бу борадаги уринишларга яқун ясади. Маълумки, математика фани бўйича Нобель мукофоти таъсис этилмаган, аммо унга тенглаштирилган Абель мукофоти бор.

уддалаш учун энг мос жой – бу чуқур қудуқлар билан жиҳозланган текис сирт ҳисобланади. Хоразмий Бағдод яқинидаги Синжар чўлини танлади ва у ерда керакли ўлчовларни амалга оширди. Олинган натижаларни математик қайта ишлаш Мухаммад Хоразмий бошлиқ олимлар гуруҳи томонидан амалга оширилган юқори даражадаги 1 градуснинг синусини ҳисоблашни талаб қилди. Бу ҳисоб-китобларнинг аниқлиги олти аср давомида, яна бир улуғ аждодимиз Мирзо Улуғбек томонидан амалга оширилган математик ҳисоб-китобларга қадар тенгсиз бўлиб қолди...

ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мен АКШ, Япония, Германия ва бошқа мамлакатлардаги дунёнинг кўплаб етакчи университетларида ишлаганман, аммо математикага биздагидай хайрихоҳ муносабатни ҳеч қерда кўрмадим.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Математика институти Миллий университетнинг математика факультети яқинидаги ажойиб бинога кўчиб ўтди. Шу тариқа юртимизда ягона математика комплекси яратилди. Математика конференцияларида қатнашиш учун турли мамлакатлардан келган олимлар янги бинолари-

## ҚЎЛИГУЛ ТОШТАРОШ

## Бошланиши 1-саҳифада.

## МАРМАРКЕНТ

Мармар қатламлари геологик жиҳатдан тахминан 400 миллион йиллик тарихга эга қадим ва навқирон Фозгонда тош тилини топмаган одам йўқ. Кичигу каттасининг қон-қонига сингиб кетган хунар бу. Айниқса, Бухоро амирларининг ёзи саройи – Ситораи Моҳи Хосага кираверишдаги икки мармар шер ҳайкалининг ясаб, Бухоро хонлари эътирофига сазовор бўлган Абдурахим муҳандисдан қолган сангтарошликнинг санъат тарихи фозгонликман деганнинг юрагига ўйилган. Йўқ дегани тош териб уй қўради, ҳовлисини тошдевор билан мозаик-модерн услубда безайди. Шу сабаб, бу экзотик шаҳарчага келган кимки бор, бир олам таассурот билан кетади.

Фозгон оқ, қизил, қахрабо ва гулранг – жами қирқ беш тусдаги бебаҳо мрамари билан дунёда машҳур.

Эрамизнинг VIII–IX асрларидаёқ Фозгон табиий кафелларидан масжид ва мадрасалар қурилишида кенг фойдаланилган. Туркия, Эрон, Афғонистон, Тожикистон ва Қозғонистон давлатларининг қадим обидаларини қайта таъмирлаш, Останкино телеминосраси, Третьяков галереяси, Москва ҳамда Санкт-Петербургда шаҳарларидаги метро бекатлари каби кўплаб диққатга сазовор жойларнинг безак ишларида ҳам ишлатилган. Шунингдек, кўҳна Самарқанднинг Регистон, Шоҳи Зинда каби тарихий ишоотлари, Тож Маҳал ансамбли, Ўзғондаги Хо Ши Мин мавзолейига ҳам шу заминнинг олий декоратив тошлари мухташамлик бағишлаб турибди.

Қарийб юз метр чуқурликдан қазиб олинган Фозгон мрамари ўта иссиққа ҳам, ўта совуққа ҳам чидамлиги билан донг таратган. Айниқса, ҳар хил турдаги мармар тошларнинг бир ҳудудда жамлиги ер юзининг бошқа ҳеч бир нуқтада учрамайди.

Мамлакатимизнинг энг кичик кентларидан бири бўлган Фозгон ва унинг

бебаҳо конлари ҳақида гап кетар экан, ҳайратланарли фактлар кўп келади. Мисол учун, бу ердаги юқори сифатли мармар захираси ҳажми 36 миллион метр куб, яъни шаҳарча майдонидан қарийб 52 баробар катта. Бундан ташқари, 108,3 миллион метр куб гранит ҳам айни шу ҳудудда жойлашган. Бу эса Фозгоннинг экспорт салоҳиятини халқаро даражага яна бир қарра кўтаради. Фақат имкониятлардан кенг ва унумли фойдаланиш, манфаатли инвестиция самардорлигини оширишга эътиборни кучайтириб бориш зарур.

### “ҲОЗҒОН ТОШИ – ЗАР”

Ҳа, юртимизнинг ҳар қаричида бир баракот бор. Шоир бежиз “Бир улқаки, тупроғида олтин гуллайди” демаган. Фозгонда тош жаҳоҳирга айланади, уни қўлга олиб, тарошлаган устага зар тутаяди, бойлик беради. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли орасида “Фозгон тоши – зар, унга ишлов бермаган хор” деган нақл юради. Бу ҳар бир оиланинг дастуриламал шиори, десак хато бўлмайди.

Қолаверса, сангтарошлик ота-ўғил, устоз-шоғирд анъаналари билан қоришиб, соф меҳнат муҳитини яратган. Сулоланинг еттинчи вақилини излаб “Мармар камёб” хусусий корхонасига борар эканмиз, бунга яна бир қарра амин бўлдик. Корхонада 15 нафар ёш уста ўз ишига банд, бири ҳозиргина тоғдан олиб келинган улкан тошларни тушириш, яна бири махсус ускунада мармар йўниш, бошқаси гранитдан плита ва блоklar қирқиб билан овора.

Тоҳир бобо Раҳимов халқнинг бой

маданий меросини асраб-авайлаш, уни ривожлантириш ва авлодларга етказиш ишларига ўзи таъсис этган ана шу корхона фаолияти билан муносиб ҳисса қўшмоқда.

Тоҳир уста касбини яна бир хайри ишга йўналтирган: табарруқ қадимжоларни обод қилиш ишларида эсини таниганидан буён беиминат хизмат қилиб келади. Хусусан, Абул Муъин Насафий, Ҳаким Термизий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Хўжа Азизхон, Бобои Самосий, Сўфи Оллоёр, Хўжаи Жарроҳ, Зағни ота ва Анбар отин, Сузуқ ота, Шайхонтоҳур мақбара ва мажмуаларини таъмирлашда асосий вазифани бажарди. Бунёдкор шоҳ Заҳириддин Мухаммад Бобур зиёратгоҳига 5 тонналик рамзий қабр ўрнатилишида бор маҳоратини ишга солди. Уста Афғонистонда ҳазрат Навоий мақбараси учун сағана ва эшик, мавлоно Лутфий қабрига мармардан ёдгорлик ясаганини ҳаяжон билан эслади:

– Бир кун келиб кимдир Тоҳир деганлари тош тарошлаб куйи ўтди-да демайди, ҳар ҳолда, – дейди Тоҳир ота Раҳимов. – Ёшим олтиш бешга қараб кетаяпти. Вилоят Кенгаши депутатлигига ҳам сайлаб қўйилган. Бизнинг Фозгонда тирикчилигидан нолийдиган одам йўқ. Тошнинг меҳнати ўздай оғир, лекин фозгонликларнинг бастини мармар кўтарган. Шунинг учун бўлса керак, бошқа жойлардаги сайловчиларим мени майда-чуйда маиший муаммолари билан безовта қилмайди. Ёшлар янгидан, нурунийлар эскидан билганларига кўра, яхши-яхши тақлифлар айтади. Юздан ошқ шоғирдим бор. Уларни ҳам гапга солиб, Фозгонда аҳолининг

турмуш тарзи янада яхшилангани учун яна нималар қилиш мумкинлигига дохил режалар тузаман.

Тоҳир бобо айтганича бор: “Фозгонда турмушдан арз қилиб мармардан фаввора ясашни буюрган. Бобом буюртмани бажарган, аммо қутилмаганда амирликнинг қулаши сабаб фаввора Фозгонда қолиб кетган. Ҳар хил сабаб билан фаввора бир неча еридан учган, бир қисмида дарз еган жойи бор. Хуллас, мўртлашган. Республика Маданий мерос агентлигига шу фавворани қайта тиклаш вазифаси топширилди. Бир юз ун йилдан кейин бобомнинг қолиб кетган ишини мен якунига етказар эканман.

### БОБОМЕРОС БАХТ

Дарвоқе, “Jadid” муҳбириман деганимга бўлса керак, Тоҳир бобо гап ораси “Бобомни биласизми?” деб қайта-қайта сўради. “Албатта, сизнинг бобонгизни билмаган одам борми?” дейман.

– Ўша бобомга Амир Олимхон эллик гектар узумзор, Файзулла Хўжаев патефон ва милтиқ совға қилган, –

дейди уста. – Бобомизни қамаб йўқ қилиб юборишди, лекин мана, унинг номи ўчмади. Меҳнат қилган эртамикечми элда азиз бўлавераркан. Мени ҳам давлатимиз ордан ва медаллар билан мукофотлади. Бобомизнинг шарафи бир айланиб менга дунди.

Тоҳир ота қилган ишларига керилмайди, олдинга қараб, ҳали ниётларим кўп дейди. Тўмтоқ тошга қадоқ қўли билан эмас, гўзал қалби устaxonасидаги санъат даражасида ясалган тошбуюмлар устанинг юксак диди, ажиб фасоҳатидан дарақ беради. Халқ амалий санъатининг нодир намуналари бўлиб қолажак ота ясаган лаганлари шамдонларни томоша қилиб, инсон муроди ҳосил бўлишига жадқ қилиши кераклигини аниқладим.

Шаҳар макомини яқинида олган “оқ олтин” диёри – Фозгон сафари ҳам тугади. Лекин бизнинг йўлларимиз асло тугамас. Бу йўллар қадимдан бугунга, бугундан эса келажакка олиб борувчи яхшиликлар йўлики, ундан фозилу фузалолар, даҳою дарғалар, хунарманду оқиллар эзгулик ўрнатиб кетмоқдалар, келмоқдалар. Ана шу яхшилик ҳаётга Фозгон мрамарларидек жило бериб турибди.

Муҳайё РУСТАМОВА





## ГУРУНГ

– Женисбек, бугун атрофимизда “юлдузлик касали”га чалинаётганлар кўпайиб бораётгани сир эмас. Лекин дунёга машхур опера хонандаси сифатида сизда бундай қусур кўзга ташланмайди. Юз-кўзингизда камтарлик сезилиб туради. Айтинг-чи, сиз учун машхурлик нима?

– Санъаткорда ўтиш даври бўлади. Шу даврда кимдир бирдан “юқорилаб” кетади, кимдир бу жараёни аста-секинлик билан босиб ўтади. Кутилмаганда баландга сапчиган одамнинг ўзини тўтиб олиши қийин кечади. Бу ҳам бир синов, аслида. Зинадан қадамма-қадам кўтарилаётган инсон йўл машаққатини кўпроқ англайди. Халқимизда “камтарга камол” деган нақл бор. Чинакам санъат аҳли орасида тобланиб шуни билдимки, манамен деган санъаткорлар ҳам ҳаммамизга ўхшаган оддий одам бўлишган. Уларнинг ютуғи – изланишларида, тиниб-тинчимаслигида, ҳар қанча юксакликка кўтарилса ҳам ўқиб-ўрганишдан қочмаганлигида. Муҳими, улар доимо самимий ва камтар бўлишган. Бу борада улардан ўрнак олса арзийди.

Бироқ биргина кўшиги қулоққа ўрнашиб қолгани ортидан ўзини машхур санаб, босар-тусарини билмай қоладиганлар ҳам учраб туради. Ҳолбуки, уларнинг кейинги ижроси тақдир қандай кечади: оммалашадими-йўқми, савияси қандай бўлади, булар билан унча қизиқмайди. Шу тариқа аста-секин назардан қолиб, одамлар уларни тингламай қўяди. Базилар бундай “зарба”лардан кейин ўзига кела бошлайди. Умуман, айрим хонандалар санъатнинг қадрига етиш учун шундай босқичлардан ўтиши керакдек, эҳтимол.

– Санъат қадри ҳақида сўз очдингиз... Сизнингча, бугун тез танилиш илинжида эстрадага қизиқиш ортиб кетмаёптими?

– Саволингизни операга қизиқиш сусайиб кетмаёптими, дея талқин қилсак ҳам бўларкан. Келинг, шу ўринда ўз тажрибам билан ўртоқлашсам. 2007 йили Нукус маданият коллежининг актёрлик бўлимига ўқишга кирганман. Бизда кўшимча вокал дарси ўтиларди. Вокалдан сабоқ бераётган устозимга “Вокал ашулаларни айтолмаяпман, Хоразм лағзиларига овозим етмаяпти” дедим. Шунда у киши овозимни эшитиб кўриб, “Женисбек, сен опера айтишини керак”, деб қолди. “Нима учун опера?” деб савол бердим ҳайрон бўлиб. Чунки ўша пайтда нафақат мен, бошқа тенгдошларим ҳам опера ҳақида танил-тушунчага эга эмас эдик. Ҳозир юртимизнинг энг чекка ҳудудларида униб-ўсиб келаётган болакайлар ҳам опера санъати хусусида озми-кўпми тасаввурга эга.

Яқинда Самарқанд вилоятининг чекка бир қишлоғига бордим. Шаҳардан тахминан 300 километрга узоқликда. “Бу ерда мени биров танимаса керак” деб ўйлаган эдим, бир маҳал ўғил-қизлар келиб мен билан суратга тушяпти. Демак, бугун операга қизиқиш кучайган. Тўғри, классик операларни эмас-у, “ҳазми энгилроқлари”ни тинглашяпти одамлар.

Эстрадага келадиган бўлсак, бугун унинг ҳам шайдолари кўп эмас. Аслида, бу йўналиш энгиллашиб кетиб, битта аккордди кўшиқдан нарига ўтолмаяпти. Оқибатда одамларда энгил эстрадага мойиллик кучайиб кетди. Олдинлари етти-саккиз дақиқали кўшиқларни тинглашган бўлса, ҳозир эстрада кўшиқлари икки-уч дақиқадан ошмаёпти. Даврнинг шиддати, тезкорлиги кўшиққа ҳам таъсир қилляпти. Шу боис биз классик кўшиқларни оммага кўпроқ жонли ижрода етказишга ҳаракат қилляпмиз.

– Илк бор саҳнага чиққан давларингизни эслай оласизми?

– Дастлаб эстрада, рок-рол, реп айтганларимни кўя туринг, бахшилик ҳам қилганман. Тўрт йил бахшиликка ўқиб, “4” баҳога битирганман. Операга қизиқиш уйғона бошлагандан кейин устозим уч йил коллеждан ташқарига чиқармаган. Ҳатто уйдагилар ҳам билишмаган опера айтишимни. Сўнгра Тошкентга танловга келиб, 1-ўринни кўлга киритдим. Менга “Нихол” мукофоти топшириладиган бўлди. Очиги, бу мукофотни олишимга ишонмаганман. Хуллас, биринчи катта саҳнам “Халқлар дўстлиги” саройи бўлган ва шу жўда муқим қолиб кетганман. Дарахт бир жойда кўкаради, дейишганидек, 17-18 йилдан буён қаерга борсам ҳам, яна шу қадрдон саҳнага қайтиб келаман.



# САНЪАТ САЙЁРАСИНИНГ ФУҚАРОСИ

## Ўзбекистон халқ артисти Женисбек ПИЯЗОВ билан суҳбат

– Сиз романс китобларини ҳам яратяпсиз. Шундай тўпламлардан жой олган “Кўринур” номли гўзал романс жуда машхур. Шу ҳақда ҳам сўзлаб берсангиз.

– “Кўринур” – улғу бастакор Фахриддин Содиков томонидан Низомий Ганжавий сўзига басталанган гўзал лирик асар. Эсласангиз, Озарбайжонда Низомий таваллудига бағишланган кеча ўтказилган. Ушунда Озарбайжондан Илхом Назоров телефон қилиб “Устоз, китобингиздан “Кўринур” романсини ўқидим. Шуни куйламоқчиман. Ижром ҳақида фикрингизни билмоқчиман”, деди. Китобим Озарбайжонга қандай бориб қолгани билан қизиқдим. Билсам, бу китоб Россияда ҳам, Қозғистонда ҳам бор экан. Ушбу тўплам бошқа мамлакатларга ҳам тарқалиб, ундаги кўшиқлар куйланаётгани биз учун катта ютуқ, деб ўйлайман.

– Ҳозиргача нечта романс-китобингиз нашрдан чиққан?

– Йигирма олти романсини ўз ичига олган иккита китобим бор. Яқинда яна бир лойиҳа устида ишни якунладик. Унда ўзбек композиторларининг фортепианога мўлжалланган мусиқалари жамланган. Шу йили ўзбек композиторининг операларидан ариялар тўпламини нашрдан чиқаришни режалаштирганмиз. Бу ҳам талабалар учун керакли қўлланма бўлади, деган умиддаман. Чунки Консерваторияда ўқийётганимда устозим менга рус ва Европа романсларидан ижро қилиш вазифасини топширарди. Табиийки, уларни интернетдан излардим ва аудиоси чиқиб келарди. “Зўр экан, ёдлашим керак” дердим. Лекин ўзбекча ария ва романслар интернетда топилмас эди. Концертмейстерлар эса уларни яхши билмагани учун галатийроқ оҳангдан чаларди. Ушунда ўзбек романслари ва арияларининг ҳам аудио, видео шакллари яратилишимиз кераклигини тушуниб етганман.

– Миллий опера санъатимиздаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида фикрингиз...

– Асосий ютуғимиз – халқимизнинг операга қарши, муносабати ўзгаргани. Айни пайтда ҳукуматимиз томонидан опера ижрочиларига кўпроқ эътибор қаратилаётгани бизни хурсанд қилади. Қолаверса, саҳнада жонли ижро – бизнинг катта ютуғимиз. Санъат ихлосмандлари буни эътироф этаётганидан қувончимиз чексиз.

Камчиликларга келсак, ўзимизда янги миллий опералар қўйилмаяпти, шуниси огриқли. Яъни, ўзимизнинг композиторлар ёзган опералар йўқ. Бу борада композиторлар “биз ёзаямиз, улар қўймайди” дейишса, театр “улар ёзаётган асарлар бизга тўғри келмайди” деб жавоб беради. Ўртада айбдор биз – солистлар бўлиб қоляпмиз. Ваҳоланки, биз ижрочимиз, ҳар

қандай кўшиқни ижро этиб бера оламиз. Композитор ёзмаса ёки ёзганини театр қабул қилмаса... бу билан бирор самарали ўзгариш бўлиши қийин.

Театр композиторлар ижодидан бохабар бўлиб туриши керак. Ана шу хабардорлик ортидан асарларни саралаш, яхшиларига буюртмалар гўзал лирик асар. Эсласангиз, Озарбайжонда Низомий таваллудига бағишланган кеча ўтказилган. Ушунда Озарбайжондан Илхом Назоров телефон қилиб “Устоз, китобингиздан “Кўринур” романсини ўқидим. Шуни куйламоқчиман. Ижром ҳақида фикрингизни билмоқчиман”, деди. Китобим Озарбайжонга қандай бориб қолгани билан қизиқдим. Билсам, бу китоб Россияда ҳам, Қозғистонда ҳам бор экан. Ушбу тўплам бошқа мамлакатларга ҳам тарқалиб, ундаги кўшиқлар куйланаётгани биз учун катта ютуқ, деб ўйлайман.

Германиядаги Мюнхен театрида ишлаганимда “Аида” операси саҳналаштирилди. Ўша пайтда “Аватар” фильми бутун дунёда оммалашиб кетган эди. Шу фильм эскизидан фойдаланиб, Аида ва Радамес бошқа-бошқа сайёраларда яшаган қаҳрамонлар сифатида талқин қилинди. Радамес Марсни босиб олиш учун “аватар” образида мазкур сайёрага келади. Кутилмаганда у Марсда яшаётган Аидага дуч келиб, уни севиб қолади. Бу ёшларга қизиқ, албатта. Шу асар йил давомида кўп тақдим этилди. Ёки “Эсмеральда” мюзиклининг оҳангини эшитган ҳамоққ кўзимиз чақнаб кетади. Чунки бу кўшиқ операнинг “ташриф қоғози”га айланган бўлган. Имкони бўлса, бизда ҳам ана шундай “ташриф қоғозлари”ни кўпайтириш зарур.

– Санъат одами қалб билан иш тутади, қалбга бўйсунди, кўпинча унинг йўриғидан юради. Нима деб ўйлайсиз, қалбга қулоқ тутган яхшими ёки ақлга?

– Ақлга! Чунки ақлга таянсангиз, муаммонгиз кам бўлади. Агар кўнгилга қулоқ солсангиз... у нималарни хоҳламайди?! Бироқ ақл билан доимо чора излаб, йўл топса бўлади. Яна шуни тушуниб олишимиз керакки, ютқазиб баъзан ютқуқа тенг, ютқудан ҳам аълороқ бўлиши мумкин. Гоҳо кўнглинг бандан келгани билан кўнглинг хотиржамлики туймаса, шунинг ўзи ютқизиб, Қалб ва ақл танловида ана ўша ютиш ва ютқазиб ҳолатлари тўғри чамалаб олинса, қай бирдан

кўпроқ ҳаловат келиши англаб олинса, шунинг ўзида гоилибик нашидаси бор. Бу ҳол дунё тажрибасидан аён. Мен бўш вақтим бўлди дегунча китоб ўқишга ҳаракат қиламан. “Темур тузуклари”да шундай фикрни ўқиб, уни ўзимга шior қилиб олганман: “Ҳамма нарса биланман-у, лекин билмасликка оламан”. Барчамиз мана шу ақидага амал қилиб яшасак, кўпроқ умр кўраимиз, ҳаловатимиз ўзимизда бўлади.

– Ҳаловатсизлик дард қақриши ҳам мумкин-да...

– Ўзи, ижод – бедорликнинг эгизиги. Дард эса ҳаловатсизлик дегани. Аслида, дардин ичга юртмаслик керак. Уни ижод шаклида бўлса ҳам юракдан чиқариб юборган маъқул.

– Келгуси режаларингиз, орзу-мақсадларингиз ҳам, шубҳасиз, мухлисларингиз учун қизиқ.

– Бу йил мухлисларимизга янги – “Кохман эртақлари” операсини тақдим этмоқчимиз. Бу асарда менга ҳам бир партия теккан. Асосий ишим – ўша партияни ёд олиш. Ўтган йили италян тилидаги партияларни ёдлаган бўлсак, бу йил француз тилида ёдлаймиз. Тилимизни “ҳар қанақасига бураб”, бизни синаяпти. Опера айнан кўпчилилик нуқтаи назаридан ҳам фойдали. Бу борада озми-кўпми тажриба тўпладик. Аввалига Нукусдан Тошкентга келиб ўзбекчани, сўнгра Москвага борганда русчани ўргандим. Кейин инглизча, италянча... мана энди французча. Муҳими, тил ўрганилган. Тил рангбаранглиги – катта бойлигим.

Бу йил режага кўра, Вашингтонда концерт бермоқчимиз, кейин Нью-Йоркда. Финляндиялик дўстим билан Тошкентда чиқиш қилиб, сўнг дастуримизни уларда намойиш қилмоқчимиз. Бу ёқда “Кохман эртақлари” ҳам турибди. Хуллас, иш тартибимиз ниҳоятда тигиз.

– Ҳаракатларингиз таҳсинга лойиқ.

– “Вавилондаги энг бой одам” китобида ўқигандим: “Агар ҳар бир одам ўзини ривожлантириб бормаса, иши орқага кетади”. Санъаткор ҳам ўрганиш, изланишдан тўхтамаслиги керак.

– Шундай ўйловлар, ижод, юмушлардан ортиб...

– ...Оиламга қанчалик вақт ажрата оляпман?! Уринали савол. Фарзандларим “Дада, сиз доим ишда бўласиз, биз билан шуғулланмайсиз”, деб ўпкалашади. Шу боис узоққа отланадиган бўлсам, оиламни ҳам бирга олиб кетишга уринаман. Бир гал тўнғичимни Самарқандга олиб бордим. Кейин ўртанчаси ҳам “бораман”га тушиб қолди. Сўнг кенжа-тойим. Аслида, бу йўллар улар учун аввало саёҳат, қолаверса, шимини кўриб, сафар машаққатларидан бохабар бўлишади. Кўпинча уларни академияга, пойтахтимиздаги Темирйўлчилар маданият саройида ўзим ташкил этган “Пиязов академия”га олиб келаман. Дарсларимни кузатишди, шу муҳит ҳавосидан нафас олишади. Эсласам, вақтида ўзим ҳам нукул дадамга эргашиб юрганман, у кишига чолғуларни жойлаштиришида ёрдам берардим, ўша пайтлар қизиқиш устунлик қилиб, ўзимча уларни чалиб кўрардим. Айни пайтда дадамнинг атрофдагилар, яқин ўртоқлари, меҳмонлар билан қандай суҳбатлашаётганини кузатардим... Умуман, ҳаётини ўзига хос дарсга қиёслаш мумкин. Оилавий ҳаётга келсак, уйга борганда фарзандларимнинг дарсларини қандай ўзлаштираётганини текшириб бораман. Шунча гаплар.

– Тушунишимча, сиз отангиз туфайли санъатга қадам қўйгансиз?!

– Мен санъат муҳитида ўсганман. Бувам Зиел Пиязов Қорақалпоғистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, драматик актёр бўлган. У кишининг биргина “Хей” деган овози саҳнани титратиб юборган. Мен ҳам ана ўша муъжизакор “хей” садосининг қудрати боис актёр бўламан деганимда, устозим мақсадларимни бошқа томонга буриб юборган. Бундан афсусланмайман. Чунки опера хонандаси саҳнада нафақат овози, балки актёрлик маҳорати билан ҳам томошабин диққатини ушлаб туриши керак. Хуллас, бу касбни танлашимга оилавий муҳит сабабчи бўлган. “Бу сайёрада фақат шу касб бор” деган ибора қулоғингизга чалинган бўлса керак. Биз ҳам оилавий тарзда санъат сайёрасида яшаганимиз ва яшаяпмиз.

Гулчеҳра УМАРОВА суҳбатлашди.

## ФЕСТИВАЛЬ

# ДЎСТЛИК ЧИНОРИ

Бағри ва кўнгли кенг мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшамоқда. Ватандошларимиз тўлақонли ҳаёт кечирдилари, ўз миллий анъаналари ва қадриятларини ривожлантиришлари учун 157 та миллий-маданий марказ, 42 та дўстлик жамияти қизгин фаолият олиб борапти. Миллий маданий марказлар фаолиятини ривожлантириш учун ҳудудларда “Дўстлик уйлари” ташкил этилган бўлиб, ҳар йили Парламент фонди томонидан молиявий қўллаб-қувватланади. Шунингдек, хориждаги юздан ортиқ ватандошлар жамоат бирлашмалари давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда юртимизда дўстлик ва бағрикенглик муҳити, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигини мустаҳкамлаш, чет эллар билан маданий-маърифий алоқалар, халқ дипломатиясини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича дастурий амалиёт олиб бормоқда.



2021 йилдан бошлаб 30 июль сани юртимизда Халқлар дўстлиги куни сифатида кенг миқёсда нишонлаб келинмоқда. Президентимизнинг куни кеча ушбу айём муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табригида юртимиз заминидан қадимги даврлардан буён давом этиб келаётган этник хилма-хиллик ноёб ижтимоий ҳодиса экани, бугун – Янги Ўзбекистон шароитида эса бу янги-чиримизни уларда намойиш қилмоқчимиз. Бу ёқда “Кохман эртақлари” ҳам турибди. Хуллас, иш тартибимиз ниҳоятда тигиз.

Давлатимиз раҳбарининг қутловиди, жумладан, шундай сатрларни ўқиймиз: “Дунёнинг турли минтақаларида миллий ва диний асосда турли низола давом этаётган ҳозирги ўта таҳликали шароитда ягона Ўзбекистон гоёси асосида энг катта бойлигимиз – юртимиздаги осойишталик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, билим-маърифат, касб-хунарлар эгаси этиб тарбиялаш, инклюзивлик тамойилларини чуқурлаштириш борасидаги ишларимизни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз”.

25-31 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита томонидан уюштирилган “Дўстлик” фестивалининг моҳиятида ҳам Юртбошимиз ташкиллаган эзуғу гоёллар ўз аксини топган. Ушбу анжуман юқори савияда ўтказилди. Бир ҳафта мобайнида тақдимотлар, халқаро анжуманлар, мусиқий дастурлар, кўргазмалар, хунармандчилик ярмаркалари, ижодий учрашувлар, танлов ва кўнгилочар концерт дастурлари тақдим этилди.

Фестиваль арасида миллий маданий марказлар павильонларининг очилгани мамлакатимизда яшаб келаётган барча миллат ва элатларнинг ўз маданияти ва урф-одатлари, анъаналарини сақлаб қолиш, ривожлантириш учун яна бир улкан имкониятга айланди. Павильонлар ўзаро маданий алмашинув майдони вазифасини бажариши кўзда тутилган.

– Юртимизда кечаётган янгилаш жараёнида миллатлараро тотувлик, ўзаро аҳиллик ва биродарлик давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Кўп миллатли халқ вакиллари ўз атрофига бирлаштириб, бағрикенгликни, тинчликни, биродарликни тараннум этган “Дўстлик” фестивали ҳам бу борадаги оқилона ҳамда узоқни кўзловчи сиёсатнинг амалдаги ёрқин намунасиридир, – дейди Қўмита раисининг ўринбосари Беҳзод Шуқуров. – Тадбирнинг уюшқоқлик билан ташкил этилиши мамлакатимизда миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ижтимоий барқарор-

ликни таъминлаш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Туркман маданият маркази раиси Гулдана Аведурдиеванни таассуротларига ҳам қўлоқ тутдик:

– Жонажон юртимизда миллий маданий марказларнинг самарали фаолияти учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Биз, миллий маданият марказлари вакиллари ҳар доим ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириб келяпмиз. Ҳозирда Ўзбекистонда туркман миллатига мансуб 202 миңдан зиёд киши истиқомат қилади. Ўзбек ва туркман халқлари қадимдан азим Амударёнинг икки қирғоғида аҳил-иноқ яшаб келаётган қондош-қариндошлар саналади. Икки элнинг урф-одати, қадриятлари бир-бирига ҳамоҳанг. “Дўстлик” фестивали тадбирларида марказимиз вакиллари ҳам яхшигина фаоллик кўрсатишди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда инсон қадри ва шаънини улуғлаш, барча миллат ва элат, диний қонфессиялар вакилларига ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш борасида олиб борилаётган одилона сиёсатдан далолатдир.

Ҳар йили ҳафталик доирасида Озарбайжон миллий маданий марказининг фаолияти юқори баҳоланади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Бу ҳақда марказ бошқаруви раиси Мобил Мамедов шундай дейди:

– БМТ Бош Ассамблеяси қарорига мувофиқ, 30 июль бутун дунёда Халқлар дўстлиги куни сифатида нишонланади. Ўзбекистоннинг кучли бағрикенглик сиёсати туфайли бу байрам, мана бир неча йиллардан бери ҳафталик фестиваль шаклида ўтказиб келинмоқда. Кўп миллатли халқимиз бу санани кўтаринки руҳда кўтиб олмақда. Айниқса, Ўзбекистон Президентининг табригидан ўрин олган “Биз ўзининг ҳалол меҳнати, ватанпарварлик фазилатлари билан республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга беқийёс ҳисса қўшиб келаётган турли миллатга мансуб юртдошларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз”, деган сўзлардан ниҳоятда шодланамиз. Табиийки, қуёш мўл-кўл нур сочиб, муҳит оби-тобида бўлса, ҳар қандай боғ гулшанга айланади. Биз жонажон Ўзбекистонимизни ана шундай фирдавс боғига қиёс қиламиз.

Дарахт дарахт бўлмас  
Кўрк ва мева топар

курк шох билан,  
минг яроқ билан, –  
деб ёзган эди буюк немиш шоири Фридрих Шиллер. Янги Ўзбекистонимиздаги “шохлари осмонларга тегиб турган” дўстлик чинорининг қадди-бастига кўз тегмасин.

Зарнигор ИБРОҲИМОВА



“Асрлар ва йиллар давомида турли этник ва миллий ўзига хосликлар билан уйғунликда яшовчи туркий халқлар дунёдаги тинчликнинг гаровидир.  
Нуман КУРТУЛМУШ  
(Туркия Буюк Миллат Мажлиси Спикери)”



Бошланиши 1-саҳифада.

# АСАРЛАРИ УМРИНИНГ ДАВОМЧИСИ



ака билан гаплашиш имконини берганидэн менга.

– Мен Сизнинг “Чул ҳавоси” қиссангизни ўқиганман, – дедим томдан тараша тушгандай.

Ўткир ака ялт этиб менга қаради.

– Ёққанми?

– Жудаям... Ботирга ҳавасим келган... Мактабимизда ҳамма қизиқиб ўқиган.

– Мактабда ўқийсизми?

– Қиссангиз журналда чиққанда ўқувчи эдим. Ҳозир университетда ўқийман.

Энди Ўткир ака мен томонга ўгирилиб олди.

– Шунақами? Қайси университетда, ким бўлмоқчисиз? – деб қизқиди.

Мен ўзини анча тугтиб олиб, бемалол суҳбатлаша бошладим.

– ТошДУда, журналист бўлмоқчиман.

Бу гапим у кишини қизиқтириб қўйди.

– Ие, зўр-ку. Ҳамкасб эканми-да, – деди жилмайиб. – Нечанчи курсдасиз?

– Иккинчи. Фақат кечқурун ўқийман.

– Кундузгига киролмадингизми?

– Мен келганимда журналистиканинг кундузгиси йўқ экан. Тошкентликлар кечкига, вилоятдан келганлар сирткига қабул қилинар экан.

Мен ноилож сирткига топширдим. Аммо кечкида ўқийдиганлар билан ўқишга қатнаб юрибман. Кейинчалик кундузгига ўтарман.

– Кундузи бирон жойда ишлайсизми?

– Ҳа. Аввал қурилишда ишладим. Яқинда “Ўзбекистон маданияти” газетасига ишга кирдим.

– Зўр-ку, – деди Ўткир ака, астойдил хурсанд бўлгани сезилиб турарди. – Лазиз акадами? У киши зўр олим. Университетда ҳам дарс беради.

– Биламан, бизга ҳам дарс ўтганлар.

– Яхши қилсиз. Мен ҳам аввал сиртки бўлима эдим ўқиганман. Кейин кундузгига ўтганман. Жур-

налистикада редакцияда ишлашнинг аҳамияти катта. Мен “Тошкент ҳақиқати” газетасида ишлайман. Бир келинг редакцияга, гаплашамиз, – деди меҳрибонлик билан.

Шундан кейин бир-икки у кишининг олдида бордим. Нима ёзишим билан қизқиди. Хуллас, анча яқинлашиб қолдик. Ўткир аканинг биринкетин янги асарлари чиқа бошлади. “Шамол эсаверди”, “Одамлар нима деркин” қиссалари эълон қилинди. Айниқса, “Баҳор қайтмайди”, “Қалбинга қўлоқ сол” қиссалари унга шухрат келтирди. “Баҳор қайтмайди” бўйича телережиссёр Мираббос Мирзааҳмедов кўп қисмли телефильм ишлади. Бу эса асар доврўғини янада оширди.

Кейин “Нур борки, соя бор”, “Икки эшик ораси”, “Дунёнинг ишлари”, “Тушда кечган умрлар” каби асарлари чиқди. Бир қанча пьесалари пойтахт ва вилоят театрларида сахнага қўйилди.

Мен Ўткир аканинг барча асарларини санаб ўтиш ва таҳлил қилишдан тийиламан. Улар ҳақида кўп ва хўб ёзилган. Хусусан, Озод Шарафиддинов, Бахтиёр Назаров, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов сингари устоз адабиётшунос ва мунаққидлар теран таҳлил қилишган. Қолаверса, бу асарларнинг барчасини китобхонлар севиб ўқиган. Ўткир Хошимов китоблари қайта-қайта нашр қилинган ва 80-йиллардаёқ асарлари ададига ишора ўлароқ “миллионер ёзувчи” номини олгани ҳам бу фикрга далил бўла олади. Ўткир аканинг аввало фарзанд, сўнгра ёзувчи сифатида онасига бўлган ҳурмати, муҳаббати хусусида мухтасар фикр юритмоқчиман.

Онани йўқотиш ҳар бир фарзанд учун оғир жудодлик. Онанинг неча ёшга боргани, фарзанд неча ёшдалиги, мансабию жамиятдаги мавқеи-

нинг аҳамияти йўқ. Онадан айрилиш энг оғир мусибат. Албатта, бу мусибатни ҳар ким ҳар хил қабул қилади, бошдан ўтказиши. Ана шу нуқтаи назардан Ўткир Хошимовнинг онаси вафотидаги ҳолати сира хотирамдан чиқмайди. Жанозада қатнашган эдим. Очиги, ўша кунни Ўткир аканинг ҳолатини кўриб, йиғламаган одам қолмади, десаам ишонаверинг...

Орадан кўп ўтмай Ўткир ака “Дунёнинг ишлари” деган гўзал бир китоб ишга қўйди. Бу китобни шунчаки ўқиб бўлмайди. Ҳар қандай бағритош одамнинг ҳам юраги зирқираб кетади уни ўқиганда. Она тўғрисида, уларнинг буюклиги, ўрни ҳақида не-не улуг зотлар ёзган. Ўткир Хошимов бу ниҳоятда қадимий, мангу ва айтиш мумкинки, табаррук мавзуга мутлақо бошқача ракурсда ёндашган. Ўзбек оналарининг нақадар меҳрибонлигини, оиласига, фарзандларига, ҳатто кўни-қўшниларига меҳр-муруватини гоёат аниқ деталлар билан содда тилда тиниқ ифода-лаб берган. Ўшбу асарни ўқиган ҳар бир ўзбек ўз онасини тасаввур қилади. Зотан, улуг шоиримиз Абдулла Орипов ёзганидек,

Она кетса, юлдуз-ку юлдуз,

Қулаб тушса арзийди осмон.

Биргина мисол келтираман. Анча йил олдин Тошкентга келган америкалик ўзбекшунос бир олима “Дунёнинг ишлари”ни ўзбек тилида ўқиб, дод солиб йиғлаб юборади, онасини жуда қаттиқ, чидаб бўлмас даражада соғинганини айтиб, сафарини охирига етказмай уйига қайтиб кетади. Ўйлайманки, бу мисолга изоҳу таҳлилининг ҳожати йўқ. Юқорида эслганимиз режиссёр Мираббос Мирзааҳмедов шу қисса бўйича кўп қисмли телефильм ишлади. Ўзбекистон халқ артисти Саидкомил Умаров бош қаҳрамон ролини қўйилмақом қилиб ижро этган. Бу фильм шу пайтгача Ўзбекистон телевидениеси орқали неча марта намойиш этилди – аниқ айтиш қийин.

Бу китоби билан Ўткир Хошимов нафақат ўз онасига, умуман, заҳматқаш ўзбек оналарига мангу ҳайкал қўйди! Китоб рус тилида ҳам нашр этилди. Уни муаллифининг ўзи таржима қилган. Зеро, асардаги туйғуларни, ҳаяжону армонларни ҳеч ким – энг маҳоратли, энг зўр мутаржим ҳам муаллиф даражасида ҳис эта олмади...

Ўткир Хошимов адиблик билан ижтимоий фаолиятини қўшиб олиб борди. Турли масъул лавозимларда ишлади. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари, “Шарқ юлдузи” журналида бош муҳаррир, Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси каби масъулиятли лавозимларда самарали меҳнат қилди. Ижтимоий фаолияти давомида асарларида қўйилган адолат, ҳалоллик, инсон қадрини, миллатимиз шаънини ва обрўйини улуғлаш, она тилимизнинг нуфузини ва мавқеини кўтариш, нафосатини намойиш

этиш, муқаддас динимизни қадрлаш каби эзгу ишларга алоҳида эътибор қаратди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қуръони Каримнинг ўзбек тилидаги илк мухтасар тафсири шайх Алоуддин Мансур таржимасида айнан Ўткир Хошимов бош муҳаррирлик даврида “Шарқ юлдузи” журналида босилди.

Биз Ўткир ака билан доимо ҳамкорликда ишладик. Айниқса, у киши Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси бўлиб ишлаган йилларда (1995–2005) жуда бақамти фаолият олиб бордик.

Ўша кезлари мен Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги раҳбари эдим. Лавозимим тақозосига кўра Олий Мажлис йиғилишларида, бошқа юқори идоралар, нуфузли ташкилотларда бўладиган мажлисларда қатнашардим. Ана шу машваратларда кўпинча Ўткир ака билан учрашар, суҳбатлашар, айрим муҳим масалалар юзасидан маслаҳатлашар эдик. Шунақа гаплар орасида Ўткир ака “Ижод нима бўляпти? Бирон нарса ёза оляйсизми? Вақт бўляптими?” деб сўраб қоларди. Сезардим, бу гапни ички дард билан, ўтаётган вақтга ачиниши билан айтарди. Мен қулиб қўя қолардим. Бу қулгининг маънисини у киши яхши биларди. “Тушунаман...”. Лекин ҳаракат қилинг... Сизиз биздан қоладигани шу бўлади”, дерди. Кошки эди, у вақтларда бирон нима ёзишга имкон бўлса. Оқ қозғони қораламоқ кетмон чопиш эмас-ку... Аммо ҳеч кимга ҳеч нима мадан нолиганим йўқ. Ўша ишларни ҳам кимдир қилиши керак эди-да. Ҳамма ўзини четга олса, фақат шаклий иши билан машғул бўлса, у ишларни ким қиларди?... Ҳар не вақти-соати келганда амалга ошар экан. Шукур қилмоқ керак...

Шу мазмунда кўп гурунғ қилганмиз Ўткир ака билан...

Менинг ижодий фаолиятимда ҳам Ўткир аканинг ёрдами ва маслаҳати кўп бўлган. Ёзувчилар уюшмаси аъзолиги қабул қилинишимда тавсиянома берганини, бир ҳикоялар тўпламига тақриз ёзиб, нашриётга тавсия этганини унутмайман.

Ўткир ака кўнгли очик, самимий, дилқаш, ўзгалардан, хусусан, ёшлардан ёрдами аямайдиган бағрикенг инсон эди.

У киши умрининг сўнгги йилларида оғир дардга чалинди. Охириги марта кимнингдир жанозасида кўрдим. Оғир жарроҳлик амалиётини ўтказганидан хабарим бор эди. Анча ўзини олдирган, аммо руҳи тетик, айниқса, кўзлари чақнаб турган эди. Бу ҳол у кишининг иродаси мустаҳкам эканидан далолат беради.

Ўткир Хошимов 2013 йилда бу фоний дунёни тарк этди. Адиб бундай ёзган эди: “Яхши фарзанд ота умрини давом эттиргани каби яхши асар ёзувчи умрини давом эттиради”. Ўткир аканинг асарлари қайта-қайта нашр этилмоқда, ҳамоно севиб ўқилмоқда. Демак, ёзувчининг умри давом этмоқда.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

## АТЛАС КИЙИБ, АТИР СЕПГАН ЧАМАННИМ...

Бошланиши 1-саҳифада.

### ЧИРОЙЛИГИМ

Оппоқ бўлиб гуллаган ху боғлар гўзал, Кўкайдан қор кетмаган тоғлар гўзал. Чиройлигим, қошингда мен хижолатдан Қизгалдоғман, бағримдаги доғлар гўзал.

Соф ишқидирман, гарчи ҳаққа етганим йўқ, Сен гўзалнинг ўқчасидан кетганим йўқ. Кечир, кўнглинг чанглатдим боларидай, Гулим, сенга муккасидан кетганим йўқ.

Жондан ортиқ севганим, гулбаданамсан, Атлас кийиб, атир сепган чаманамсан. Айни баҳор чоғи кўнглимга чўғ солган, Чиройлигим, гулдай гўзал Ватанамсан.

Жоним билан қўяй қўлинг хинасини, Яширса шу қўлқадоғи, гинасини. Фарзанд борки қўлигул, ўз отасига Пардоз қилмай кўрсатмайди онасини.

Истайманки, майли, менсиз қомати дол, Япроқларнинг пойига бош қўйсин ҳилол, Чиройига чирой қўйсин ҳатто қабрим Бўлиб она Ўзбекистон лабига хол...

### ЖҲМАРДИМ – ОНАМ

Суратингга боқиб, жўмардим, отдай бўлиб кетди юрагим, девонанам ишқингда, сендан қачон бундай шифо сўрадим?!

Кўзларимга ғам тортиқ қилиб, туролмайман ё ортиқ қулиб, нетай, ҳамон юрагим сенсиз уриб турар номардик қилиб.

“Ёр” – Зебо, мен – Ёзи эмасдим, ширин экан ноғзи, билмасдим, билганимда макрини, зинҳор ишвасига рози бўлмасдим.

Сен бир танти Турконим эдинг, хоним эдинг, султоним эдинг, онам – сўнгги имконим эдинг, юрагингни менга-ю, жон деб, жигарингни беш боланга бердинг.

### МАНЗАРА

Атиргуллар очиб оғзини катта, номозшомгуллар куч олмоқда шомдан, о, олтин тупроғим, сени деб ҳатто қуёш ҳам ўзини ташлади томдан.

дилдаги арзимас ишқ оловини эпложмай олдириб қўйдим аланга, кир қилиб бошига кўнган қировни, қирларни қирганда пири фаранглар;

жилмайдим сўнг Худо ҳаққи-хурмати, бўғзимда тош қотган ўқригим билан ва кўзга кўринган жоним суратин супуриб ташладим кипригим билан

ва бирдан келтириб сувни элақда, шамол эркалади боғу бўстонни, баҳор чўмилтириб қўйди: челақлаб бошидан сув қўйиб Ўзбекистонни.

### ВАТАН РАШКИ

Менинг юртим жаннатмонанд гўзал гўша, Рашк қиламан уни Отеллога ўхшаб. Кийиклари қадамига мушк сочади, Кипригининг соясини ерга тўшаб.

Мўмин элда азиз Сайроб балиқлари, Қойил қилган Черчелни қилқуйруқлари. Каъбадаям кўнглим кўмсар: “Уйга борсам, Кутар мени шарбат оққан ариқлари”. Қизғонаман бу элни ноқоизлардан, Отасига эл бўлмаган беюзлардан. Ҳайдарқулдай ҳожисини ўзи тугул Калишини тортолмаган поездлардан. Мен Ватанни рашк қиламан кибр кетган Нокаслардан – валийлари Сибир этган. Дариғ тутгум уни мен оқпадарлардан Улуғбекдек зотларнинг бошига етган. Қон дилини кўтаролмай қомати дол, Анорлари ҳассасига суянган чол. Ҳар игнадай нур остида юлдуз ниҳон, Она ерга ёниб сажда қилар ҳилол. Рашк қиламан бу юртни элбузарлардан, Қизғонаман ҳар қандай ёт назарлардан. Қизғонади Худо ҳам ўз жаннатини Онасини туртган худобезорлардан.

### АЗИЗЛАРИМ

Мен учун бу юртнинг ити ҳам азиз, Мўччайиб бет ювган мушукчаси ҳам. Жонимдан азиздир индида ёлғиз Тухум босиб ётган мусичаси ҳам.

Жоним фидо бўлсин эчким, қизимга, Айланайин Ватан қилсанг, ёр сандан. Томи қийишқ уйим, итим кўзимга Бир яхши кўринди ҳамма нарсамдан.

Бирам роҳат қилдим мен бугдой ўриб, Гарчи бел оғриқдан жоним қийналар. Завкимни тоширди боласин кўриб Мушугимни майна қилган майналар.

Азиздир бу юртнинг шувоғу бурган, Бола кучоқлаган маккалари ҳам. Улмасин тепамда шаққиллаб турган Олашақшағию ҳақкалари ҳам.

### ЭРКАМ

Ватаним, гул узган қиз соясидай Ҳатто хаританг ҳам гўзалликда бой. Янги ташбеҳ топган зукко шоирдай Ўзича керилар янги чиққан ой. Сен Барчин туслисан. Полвон келбатинг. Айт, кимни ром этмас қадди-қоматинг? Сенга чил бермоқчи бўлган каслар ҳам Ён берса, тоғларча бордир ҳимматинг. Кўрдимки, энамдек пахта чигитлаб, Кимки эл бўлмаса қилдинг ўгитлар. Тақимингни ўпган икки ўрим соч, Лабингни кўриқлар арслон йигитлар. Сен сулув зотининг норисан, бу кам, Алпомиш наслининг ёрисан, ўлкам. Тиззанга бош қўйган қуёшинг бўлиб Кошки бир юзингни ёритсам, эркам.

### СУРХОНДАРЁ СУРАТИ

Бир патнис дон ундириб, бир олам ризқ кўтарган Боботоғ этағида ой ҳам катта кетаркан. “Қўқламда бу гўшани мен нимага қиёспай?! Суратин чизиб бер”, деб қисдинг сен қуёшдай. Кўз олдимга чўғ лаган кўтарган тоғдай одам Сумалак майсасини келтириб қўйди шу дам. Дедим: “Ҳар патнисда бол тугтиб узок-яқиндан, Бу дилбар юртни уч алап туртиб турар биқиндан. Кошки, мен бир юмалаб, Боботоғ бўлиб қолсам, Тиззамга олиб ойни уйнатиб ўтиролсам. Забардаст билаларим билан қуршаб ҳар ённи, Кучоқлаб олар эдим гўзал Сурхондарёни”.

### БҲЙЛАРИНГДАН ҲРГУЛАЙ

О, юртим, гўзал юртим, суратинг кўзга сурдим, Ёмғирдай қоқилинган мани умрим бир қултум. Дарёдай жўш ураман, пойингга бош ураман, Сени ўз жонимдан ҳам кўпроқ яхши кўраман. Сулувсан, тупроғинг зар, сувларинг эрур қавсар, Нақ қуёшинг кўзиде гулладинг уриб чаппар.



Боғларим – оқбилгим, гулга тўла юрагим, Онаман, жаннатимсан, ўзиндирсан керагим. Бўйларингдан ургилай, о, сенга ўзим ўлай, Ўзбекистон жаннат, мен жаннатга лойиқ бўлай.

### КҲНГИЛ, ЭЙ КҲНГИЛ

Менда қол, ё мендан қолгин, эй кўнгили, кўнгили шу иссиққа, совуққа кўн ё, Отамнинг уйдай қачондир буткул ҳаётимдан чиқиб кетгай бу дунё.

Келажак бурнимнинг остида – маълум, савобу гуноҳим дарғумон хали, кетялман – кўзларим ортада, аҳволим – хазинадан йироқ ғазнабон холи.

Отали бойман-у дилда ранж, малол, сен гўзал ёрда, хоҳ ёдда қол, кўнглим, мендан қолар бўлсанг, майли, ерда қол, киндик қоним томган ерда қол, кўнглим.



## ЭҶТИРОМ

Неъматуллох Иброҳим давримизнинг нодир шахсларидан биридир. У киши катта олим, араб луғати билимдони, жамоат арбоби, улкан ташкилотчи.

Домлани Тошкент давлат университетининг Шарқшунослик факультетида декан лавозимида хизмат қилган чоғларидан биламан. 1991 йилда мазкур факультет базасида Тошкент давлат шарқшунослик институти ташкил этилди. Қажрамонимиз бу институтнинг асосчиси ва бош ташкилотчиси эди. Ҳақиқатан ҳам 1991–2005 йилларда ректор вазифасида хизмат қилди. Факультет эканида иш осон кечган, ҳар жиҳатдан ТошДУнинг тасарруфида бўлган. Лекин бутун бошли олий таълим даргоҳини йўқдан оёққа турғизиш осон иш эмас. Неъматуллох Иброҳим домла ташкилотчилик қобилиятини намойиш этиб, мазкур институти фақат Ўзбекистонда эмас, балки Марказий Осиёдаги энг обрўли илм даргоҳларидан бирига айлантирди.



## ОҚИБАТНИ ЁД ЭТИБ...

Кейинчалик домла лавозимдан олинди, Шарқшунослик институти ислоншунослик кафедраси мудири вазифасига қўйилди. Лекин қалами, илми ва истеъдоди бор киши ҳеч қачон тушунлик ва ғамгинликка берилмайди. Масъул вазифалардан энгиллашган аллома илмий-маърифий фаолиятга шўнгиниб кетди.

Ёш ва бўлажак олимларга ўрнатилган Неъматуллох Иброҳимнинг илмий-маърифий, ижодий фаолиятига тўхталиб ўтаман.

Бир маҳаллар Тошкентда “Қомус” нашриёти бор эди. “Қомуслар бош таҳририяти” дейиларди. 1991–1996 йилларда нашриёт раҳбари Нуриислом Тўхлиев ташаббуси билан ҳазрати Имом Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” (“Энг ишончли ҳадислар тўплами”) китоби ўзбек тилига таржима қилиниб, тўрт жилд ҳолида чоп этилди. Биринчи жилдни араб тилидан Зокиржон Исмоил таржима қилган. 1991 йилда чоп этилган. Китобнинг иккинчи бетида “Профессор Неъматуллох Иброҳим ва шоир Мирзо Кенжабек таҳрири остида” деган ёзув мавжуд. Камина номим муҳтарам олимимиз номи билан ёнма-ён турганидан ифтихор туйганман. Абдулла Орипов “Ҳикмат садолари” туркум шеърларини мана шу китобдаги ҳадислар асосида ёзган. Китобни шоирга Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари совға қилган. Устоз бу шеърлари учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан мукофотланиб, ҳаж зиёратига юборилган эди. Демокриманки, Имом Бухорийдек зотнинг китоби нашр этилишида Неъматуллох Иброҳим домланинг номи ва меҳнати муҳим аҳамият касб этган.

Домла шогирдлари билан бирга машҳур сайёҳ Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома”, яъни “Тухфат ан-нузор фи ғароиб ал-амсор ва ажоиб ал-асфор” (“Ғаройиб шаҳарлар ва ажоиб сафарлар ҳақида назар соҳибларига тухфа”) асарини араб тилидан таржима қилиб, нашр эттирди.

2001 йилда олий таълим муассасалари талабалари учун 2 жилдли “Араб тили грамматикаси дарслиги”ни чоп эттирди. Ушбу дарслик Ўзбекистоннинг кўплаб олий ўқув даргоҳларида араб тилини ўргатуви асосий кўпланма вазифасини ўтаб келмоқда.

2017–2022 йиллар давомида арабча-ўзбекча тўрт жилдлик қомусни тузиб, мисли кўрилмаган улғу ишни амалга оширди. Бу беназир асар “Ал-Қомус: арабча-ўзбекча энциклопедик луғат” деб аталади. Унда 100 мингдан ортиқ сўз ва иборалар жамланган. Ушбу луғатнинг чоп этилиши ўзбек илм-фани, хусусан, Ўзбекистон шарқшунослигининг улкан ютуғидир.

2010 йилда Абдулмалик ибн Ҳишомнинг “Ас-Сийра ан-набавийя” асарини ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиб, нашр эттирди. Домла илмий-ижодий фаолияти давомида манбашунослик соҳасидаги янги йўналишлардан бири бўлган Шарқ бадий тафаккури ва юксак маърифатли зиёлилар маданиятининг яхлитлиги ҳақидаги қомусий асосларни тақдим этди.

Кизгин илмий-маърифий ишлар билан машғул бўлиб турганида домланинг мавқеи яна тикланди.

2018 йилда Президентимиз ташаббуси билан Халқаро Ислон академияси ташкил этилиб, Неъматуллох Иброҳим ректор қилиб тайинланди. Бу раҳбар узукка кўз қўйгандек жойига тушган эди. Домла бор илми

ва ҳаётий тажрибасидан фойдаланиб, янги давр руҳига мос равишда Академияни оёққа турғизди. Энг муносиб илмий кадрларни танлаб, Халқаро Ислон академиясини қувватлантирди. Илмий иш қилувчилар учун катта имкониятлар эшиги очилди. Кўплаб ёш олимлар фалсафа доктори ва фан доктори илмий даражаларини олишга эришди. Тошкент илмий-маърифий муҳитида янги имкониятлар юз кўрсата бошлади. Академия ишлари бир маромга тушиб олгач, домла яна илмий-ижодий фаолиятга қайтди.

Бир хил раҳбарлар ишдан кетса, обрўси, иззати ҳам кетади. Неъматуллох домлада ҳеч қачон бундай бўлган эмас. Чунки домланинг бутун иззати – илмида.

Домла адабиётнинг чин ихлосманди ва билимдони ҳамдир. Сухбатларда, давраларда кўпинча Эркин Воҳидов шеърларидан мисоллар келтирганини кузатганман. Бир анжуманда “атом” сўзини шарҳлаб, устознинг ушбу байтларини ўқигани эсимда:

**Заррани ижод этиб,  
Даҳшат-бало бунёд этиб,  
Оқибатни ёд этиб,  
Ҳайрон ўзинг, ҳайрон ўзинг.**

Сухбатда бу мисрадаги “зарра”дан мурод атом эканини домла чиройли шарҳлаган эдилар.

Олимнинг суҳбати олимонадир. Олимнинг ҳар бир сўзи олимга хос, ҳикматга мойил сўзидир.


Неъматуллох Иброҳим жаҳонгашта олим. Домла илмий мақсад ва хизмат сафари билан АҚШ, Германия, Буюк Британия, Бельгия, Нидерландия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Франция, Туркия, Россия, Миср, Жазоир, Сурия, Кувейт, Баҳрайн, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон, Саудия Арабистони ва бошқа манзилларда бўлди.

Ўтган вақт мобайнида ҳалол меҳнати билан филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби каби даража ва унвонларга эришди. Имом Бухорий номидидаги халқаро мукофот соҳиби бўлди. Жаҳон ҳамжамияти ҳам у кишини муносиб эътироф этган. Неъматуллох Иброҳим Қоҳира Араб тили академияси аъзоси, Жанубий Кореянинг Сен Кюн Кван университети фахрий доктори, Япониянинг Фукусима префектурасининг Ўзбекистондаги фахрий элчиси, “Ўзбекистон–Миср” дўстлик жамияти раиси, Ўзбекистоннинг хоржий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти Кенгаши раиси, Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши раиси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси маслаҳатчиси каби мавқеларга эга бўлган. Яна у киши икки марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати этиб сайланган.

Неъматуллох Иброҳим домла, менинг назаримда, ўз ҳақиқатларида собит турган нодир шахслардандир!

Домлага доимий сиҳат-саломатлик, узоқ, баракотли умр тилаб қоламан.

**Мирзо КЕНЖАБЕК,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар  
мурабийси**



“**Фан чегараларни билмайди, чунки билим бутун инсониятга тегишли ва у дунёни ёритувчи машъалдир.**”

**Луи ПАСТЕР**

## КЎНГИЛ ДАФТАРИДАГИ БИТИКЛАР

### Бошланиши 1-саҳифада.

Аллома Алихонтўра Соғуний бу фикр-ни янада ривожлантиради: “Ўзларини дин ҳомийлари деб эълон қилган ҳукмдорлар халқни маърифат нуридан маҳрум, замонавий фанний илмлардан бутунлай йироқ тутдилар. Шунинг учун халқда уйғониш, фикрий очилиш бўлмади. Давлатнинг инқироzi, миллатнинг онгсизлигига шу жоҳиллар сабабчидур”.

Донишмандлар “Илм кўр қалб кўзини очувчи, қоронғи зулматга нур бағишловчидир, заиф баданларга куч-қувватдир, илм билан банд яхши кишилар даражасига кўтарилари, олий мартабаларга етишари”, деб аллақачон айтиб қўйишган. Демак, биз бугун – Учинчи Ренессанс остонасида технологик ўсишлар эшигини кенг очиб, ёшларни унинг беқиёс имкониятларидан баҳраманд этишимиз керак.

### АФАНДИНИНГ БУАЛОДАН ФАРҚИ

Француз қироли Людовик XIV шеър машқ қилиб турар, ёзганларига баҳо беришни шоир ва мунаққид Буалодан сўрар экан. “Ҳазрати олийлари, – дебди бир куни Буало қиролнинг навбатдаги шеърларини ўқиб. – Сизнинг қўлингиздан келмайдиган иш йўқ. Мана, бемаза шеър қандай бўлишини кўрсатиб қўймоқчи бўлган экансиз, бу ишни ҳам қойиллатибсиз, маҳоратингизга таҳсин айтмасликнинг иложи йўқ...”

Бу гап ўзимизда ҳам бор. Афанди подшоҳнинг бемаза шеърларини ўқиб, “Олампадох, сиз подшоҳликда тенги йўқсиз, аммо шеърларингиз жуда расво”, деган экан. Подшо Афандини бетгаочпарлиги учун оғилга қамаб қўйибди. Орадан бир ҳафта ўтибди. Подшоҳ беш-олпिता янги шеър ёзибди, ўқиб кўрса, аввалгиларидан анча яхши чиққандай эмиш. Афанди энди мактаса керак, дея уни хузурига чорлабди. Афанди шеърларни ўқибди-да, бир сўз демай, ўрнидан туриб, оғил томон жўнаб қопти...

Буалонинг Афандидан ёки Афандининг Буалодан фарқи нимада? Енгилроқ ўйлаган киши ҳар икки жавобни бир маънода тушунади. Аммо уларда жиҳдий фарқ бор: Буало тадбиркорлик қилмоқда, Афанди бўлса, оғилда яна узоқ қолиб кетиши мумкинлигига қарамай, шеърят деб аталмиш буюк санъатга хиёнат қилмаётгани йўқ.

### МУШТ

Бокс оламининг сўнмас юлдузларидан бири, афсонавий Майк Тайсоннинг бир суҳбатидан шу қадар таъсирланимми... Фақат таъсирланиш эмас, инсон ўз ҳаётида дуч келадиган турфа чорраха, турли ҳолатларни ўйлаб, хаёлим қочди.

Тайсоннинг журналист билан суҳбати бинийондек кетаётган эди, аммо... кутилмаганда “темир мушт” ўрнидан сапчиди, суҳбатдошига кутурган филдек ташла-нишига сал қолди. Бунга журналистнинг: “Охирги жангингиз учун 20 миллион доллар маблағ олдингиз, бу кўп эмасми?” деган саволи сабаб бўлди.



Тайсон оғир ўтган болалиги, оч-лопун қунлари, тинимсиз муштлашув, омон қилиш учун ўтказган тенгсиз жанглари, ютқиқлар, аёвсиз калтаклар, юзидан тер каби оққан қон, зирқираган суяклар, адолатсизлик, ирқий камситишлар ҳақида гапирди.

“Сен билиб қўйки, ҳаётнинг залворли мушти менинг, сизлар “темир” деб атайдиган муштимдан юз, минг баробар аёвсиз, – деди у суҳбатдошига. – Хоҳлаган пайтида эзиб, янчиб ташлайди. Ўласанми, қоласанми, киссангда пулинг қолганми-йўқми, ота-онангнинг аҳволи қандай – бу билан иши йўқ. Нима ҳам қилардим, яшашим керак. Ҳамма кўчага кириб чиқдим, камалдим, гиёҳвандлик балосидан қутулишга ҳаракат қилдим. Аммо менга... муштимдан бошқа ҳеч ким, ҳеч нарса ёрдамга келмади. Сен қанчадан-қанча боксёрлар машқ пайтида юрагига урилган зарбадан ўша заҳоти жон таслим қилгани, уйда болалари, касал онаси зор қақшаб қолгани, уларнинг оқ-фарёдини биласанми? Билмайсан, шунинг учун ҳам шундай бемаъни савол берасан. Яна шуни билиб қўйки, бизнинг жанг олдидан тузиладиган

шартномаларимизда, бордию жанг пайти ўлим ҳолати юз берса, бунинг учун кимдир жавоб бериши кераклиги тўғрисида бирор бир ёзув бўлмайди. Боксчи кўп ҳолатларда рақиби билан эмас, ўлим билан жанг қилади. Мана, менинг сенга жавобим!”

### ИБРАТ

Ибрат олишга молик ишлар ҳамма жойда бор.

Японияга борган педагог олимлар маҳаллий маъмурлардан мамлакатда ўқитувчиларнинг байрами қачон нишонланишини сўрашибди. Мезонлар аввалига ҳайрон бўлишибди, сўнг гурур билан: “Биз ўқитувчи мураббийларни йил давомида шарафлаймиз, уларни ҳар куни эъзозлаймиз”, дейишибди.



2013 йили Япония темир йўл бошқармаси йўловчи бўлмагани учун бир бекатни ёпишга қарор қилади. Аммо бир қизалоқ айти шундай бекатга мактабга қатнаётгани маълум бўлади. Маҳаллий ҳокимият қизчанинг узлуқсиз таълими олиши учун бекат фаолиятини вақтинча тўхтатмасликка қарор қилади. Поезд уч йил давомида Хоккайд оролининг Кю-Ширатаки бекатига кунига икки марта – шу қизалоқ учун тўхтаб ўтади. Поезднинг тўхташ вақти қизнинг мактабга бориш ва қайтиш вақтига қараб белгиланади. Қизча 2016 йили мактабни битиради ва бекат ёпилади.

Финляндиялик ўқитувчилар ўқувчиларнинг ота-оналари билан танишишлари, уларни мактабга, биздагидек, ота-оналар мажлисига таклиф этишлари мумкин эмас. Ҳамма муаммо мактабнинг ўзида ҳал қилинади. Аълочи ва улгурмовчи ўқувчилар ажратилмайди. Музей ва бошқа жойларга уюштириладиган саёҳатлар мактаб маъмурияти ҳисобидан бўлади.

Эрталаб соат 8:00 да мактаб эшиги ёпилади ва машғуллар туғагунича ҳеч ким бу даргоҳни безовта қилмайди.

### САВОЛ

Кусто исмли олим инсоният нигоҳини ер устидан уммонлар тубига қаратиб, бу ғаройиб олам сирларини муаммоларини ошкор қилди. Кусто жамоаси тасмага муҳрлаган фильмлардан бири балиқлар ҳаётига бағишланган. Шу фильмни неча бор кўрсам-да, ҳайратим асло камаймайди. Увилдириқдан пайдо бўлган мурғак чавоқчалар вояга етгач, туғилган жойларидан неча юз минг километр масофага узоқлашиб кетадилар. Бошқа уммонларгача етиб боради. Аммо ҳаётлари сўнгиди қанчадан-қанча табиий, сунъий тўсиқлардан ўтиб туғилган жойларига қайтадилар. Шу ерга увилдириқ қўйиб, сўнг бўлажак насллари учун емишга айланашди.

Телевидениеда Африка ва Лотин Америкаси чангалзорларида яшайдиган турфа хил қушлар ҳаётига доир инглиз олимлари суратга туширган фильмларни намойиш қилишди. Яна ҳайрат, тушуниб бўлмайдиган сир-синоат.

Биттаси минг уриниб ин қуради, бошқаси пойлаб туриб, уни эгаллаб олади. Биттаси қурган инига тухум қўяди, бошқаси бошини қотириб ўтирмай, тухумини



шу тайёр инга жойлаштиради. Биттаси ин қуриш учун узоқ-узоқларга учиб, ҳориб-толиб, оғзида хас-хашак олиб келади. Бошқаси эса йўлда унга хужум қилиб, оғзидаги чўпни олиб қочади. Биттаси сув юзасига чиқиб қолган балиқларни тумшугига олиб, ҳавога кўтарилиши билан қароқчи қушларга дуч келади ва ўлжасидан маҳрум бўлади. Биттаси иниди пайдо бўлиб қолган бегона тухумни ўзиники қатори очиб чиқаради. Бегона тухумдан чиққан қуш боласи эса кўп ўтмай унинг болала-

рини пастга қулатиб юборади.

Мени ҳайратга солгани – қушлар орасида бахил, хасис, бировнинг уйини бузма-са, болаларига озор бермас кўнгли ўрнига тушмайдиганлари ҳам бўлар экан... Ўйлашиб қолам: ким кимдан ўрганди экан – одамзод қушларданми ё қушлар бизларданми?..

### ОВЧИ

“Ёш Вертернинг изтироблари” китобини яна бир бор ўқиб чиқдим. Ён дафтаримда куйидаги ёзувлар пайдо бўлди:

“Қалтафаҳмлик дунёга макр ва адоватдан кўра кўпроқ низо уруғини сочади”.

“Дунёни бефаросат одамлар бузганчаллик бошқа ҳеч ким буза олмайди”.

“Кимдир кетадиган вақт бўлди”, деб айтишини кутиб ўтириш керак эмас”.

“Сиз, эҳтимол, бу югур-югурларингиз, куйиб-пишингиз билан ражамақда бой-бадавлат бўлиб кетарсиз, уйингизда хизматкорлар ишлашар, атрофингиз ғажум бўлар. Аммо шундай бўлганида ҳам, бутун вужудингизга сингиб кетган пасткашлигингиздан қутула олмайсиз. Бу “фазилат” сизни у дунёда ҳам тарк этмас керак. Мени кечиринг...”

“Дўстим, сени ҳозирча шундай аташга мажбурман, мушфиқ онанг сени туққанида, болам муттаҳамларнинг муттаҳами бўлади, фирибгарларга дарс беради, олчқликни бошига тож қилиб олади, хиёнат кўчасига танда қўяди, деб асло ўйламан бўлса керак. Онангга раҳмат дегим келади. Агар у сени дунёга келтирмаганида, мен, биласанми, о, буни айтиш мен учун жуда оғир... кўп нарсалардан беҳабар, содда-сўтаклигимча яшаб ўтган бўлардим...”

“Уйда қуроли бор одам, агар у, масалан, тоғ ёнбағирида ёки тубсиз жарлик ёқасида, ўрмон ичкариссида яшаса, ҳар эҳтимолга қарши (ёввойи жонзотлар кўққисдан хужум қилиб қолишлари мумкин-да) милтиғини ўқлаб қўяди. Менинг эса на милтиғим ва на уни ўқлайдиган ўқим бор. Аммо... тез-тез энг яқин дўстларимнинг қалбини ўқдан кўра оғир жароҳатлайдиган хужумларига дуч келиб тураман. Уларга муносиб жавоб қайтаршим мумкин, қараб турадиганлардан эмасман, тилим чучук эмас. Нишонни беҳато урадиган сўз ва иборалар, кесатиклар етарли. Фақат... овчи эмаслигим панд беради-да”.

### “КУШАЙ БУДИ...”

Табиат қўриқчиси номини олган эколог ёзувчи Дадаҳон Нурий билан дўст-қадрдон эдик. Тез-тез суҳбатлашиб, воҳача айтганда, ҳангомалашиб турардик. У кишининг латиф давралардаги ҳикоялари фавқуллодда ажабтовурлиги, қутилмаган “бурилишлари”, латифаномо яқунлари билан ажралиб турарди. Иброҳим Ғафуров: “Дадаҳон гапни роса кўпиртиради-да, аммо ишонтиради”, дердилар. Ишончи тинглан ҳикояларимиздан биттаси куйидагича.

Дадаҳон аканинг асли водийлик, аммо кўплар қатори Тошкентда яшаб қолган бир дўсти бор экан. Унинг Темур исмли ўғилчиси болалар боғчасининг рус гуруҳида тарбияланибди, мактабда ҳам шу тилда ўқий бошлабди. Ўқийша қизиқши, феъл-атвори, киришимлиги жойида экан-у, бироқ ўзбек тилида чала-чуппа гапирishi ота-онани ташвишга солибди. Улар бу тўғрида Дадаҳон акага айтишган экан, ёзувчи акамик: “Ёзги таътилда бизнинг болалар доимо Наманганга кетишади, бир-икки ой қишлоқда туриб, мевачева, сут-қатиққа тўйиб, юзлари офтобда пишиб қайтишади. Темурбекни уларга қўшиб жўнатсақ, яхши бўлади: ҳам пишади, ҳам ўзбекчани ўрганиб қайтади. Уйимизда ўрисча битта сўз ҳам билмайдиган келинимиз бор, унинг болалари билан ўйнайди”, дебди.

Бу таклиф Темурбекнинг ота-онасига маъқул келиб, ёш “ўрисвой”ни Наманганга олиб бориб, қариндошларнинг шўхшодон, қувди-қочди болаларига қўшиб келишибди. Ўрисча билмайдиган келинга: “Меҳмон болага ўзингиз яхшилаб тарбия беринг, одатларимизни ўргатинг, тушунса-тушунмаса ўзбекчани қулоғига қуяверинг”, деб тайинлашибди.

Орадан уч-тўрт ҳафта ўтгач, болалардан хабар олгани машинада Дадаҳон аканинг жиянлари турадиган ҳовлига боришибди. Дарвоза очик экан, ичкарига киришса, тошкентлик меҳмон бола тандирнинг устига миниб олиб, отчопти қилаётган экан. Шу пайт ичкаридан ўрисча билмайдиган келининг овози эшитилибди:

“Темурчик, иди суди, кушай буди...”  
Куялисиз-а? Наҳотки, қулгили воқеа бўлса бу...

**Аҳмадjon МЕЛИБОЕВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
журналист**



## ТАРИХДАН САДО

Инсон пайдо бўлибдики, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва қабоҳат унга ҳамisha ҳамроҳлик қилиб келади. Аслида, ҳаёт аталмиш неъматнинг ўзи ушбу икки куч орасидаги курашдан иборат. Эртақ қаҳрамонлари бошдан кечирадиган воқеалар ҳам айнан шу асосга қурилган.

Таълим-тарбия ва унга ҳамоҳанг иқтисод мўтадил замонларда яхшилик голиб келса, бидъат уфурган, тарбия издан чиққан тизим ва салтанатларда ёмонлик даври давронини суради.

Қозилик жамиятда тарози вазифини бажариб, ёмонлик йўлига кирган бандаларни ундан қайтариш ва жазолаш воситаси сифатида пайдо бўлган. Табиийки, ҳеч бир банда ўз айбини осонликча бўйига олмайдди, қорани оқ, оқни қора, деб оёқ тираб турадиганлар ҳамма даврларда топилмади.

Шу сабабдан, тақдирга қозилик қилиш ёзилган бандалар ҳаммаша надомат тўфони остида қолганлар ва қоладилар. Эсланг, атиги бир аср илгари муомалада бўлган касб билан боғлиқ атамага ким, қачондир, нима мақсадни кўзлаб тилга олишга уяладиган “Онанинги қози зўрласа...” маталини тўқиган? Билмаймиз. Билганимиз шуки, буюк жадид адибимиз Абдулла Қодирий “...мавзунини тарихимизнинг кир ва қора кунларидан танладим”, деган иштибоҳ билан бошлаган бир-бирдан гўзал эгизак романларидан салбий қаҳрамонлари орасида амалдорлар, дин вакиллари, сарой мулозимлари, савдогар аҳли озми-кўпми учрагани ҳолда салбий қози образи негадир йўқ. “Муштум” журналида чоп қилинган кўпдан-кўп танқидий мақолалари, фельетонларида ҳам қозилар бир четда қолгандек.

Нега шундай? Ўша “кир ва қора замонларда” фаолият юритган қозилар шу қадар адолатли эдиларми?

Архив ҳужжатларига мурожаат қиламиз: “...1275 йил жумадил-аввал ойининг 11, 12-сиди Искандарбой маҷитига қарашлик Тангиберди ўғли Паҳлавон Ниёз – буддойранг, кўй кўз, эгар қош, соқоли оқ, ўрта бўйли – қонунга биноан куйдагиларга рози бўлди:

“Менки, Паҳлавон Ниёз Искандарбой ўғли Абдулла мутаваллига бутун ҳуқуқ ва имтиёзлар билан ўзимнинг икки таноб еримни оғирлиги бир мисқол бўлган беш қизил тиллога сотдим. Ернинг кунчиқар томони арқ, кун юриш томони Болта-ниёз шайх ери, тунёқ томони Мухаммад-ниёз ери, кун ботиш томони катта йўл. Мазкур Абдулла бу ерни ижарага қўйиб, йилига бир тиллодан олишни шарт қилди. Бу васиқа Мулла Мухаммад Юсуф Отажон хўжа ва бошқаларнинг гувоҳлиги билан тузилди”.

1858 йилда тузилган ушбу васиқага қози муҳри, гувоҳлар имзолари (айримлари бармоқ босишдан) қўйилган.


Хива хонлиги архивидида бу каби юзлаб васиқалар сақланмоқда.

Бир варақлик ҳуқуқий ҳужжат-васиқадаги ерини сотаётган одамнинг юз қиёфаси тасвирига қўйил қолмай илҳомимиз йўқ. Ҳали фотография аталмиш нимарса пайдо бўлмаган замонларда қозиларга мурожаат қилувчилар, турлик можроларига ечим излаганларнинг афти-ангорини аслидагидек акс эттириш осон бўлмаган. Бунинг учун қозидида расом нигоҳи бўлиши шарт!

Демакки, қозилар нафақат диний, дунёвий билими, балки инсон ички ва ташқи дунёсини англови салоҳиятга эга киши-

# ҚОЗИ – ТАРОЗИ

## Раият улардан рози эдими?



лардан тайинлини талаб қилинган. Қози бир вақтнинг ўзида исломий ҳуқуқ ҳамда дунёвий билимларни тўла эгаллаган бўлиши шарт қилинганки, бу унинг фаолиятида хатогарчилик, сохтакорликка йўл қўймаслигига қаролат ҳисобланган. Мадраса сабоғини тугатган толиблар хоннинг шахсан ўзи, вазирлари, уламолар иштирокида имтиҳондан ўтишган ва улар орасидан Қуръони Каримни, саҳиҳ ҳадисларни ёд билганларига охунд даражаси берилган. Қозилар айнан охундлар орасидан танланган.

Мазҳабимиз бошловчиси Имоми Аъзам нега қози бўлишга розилик бермади ва бу рад жавоби учун олтиш дарра билан жазоланди? Имоми Аъзам қозилик нафақат мартаба, балки масъулият экани, бирор можаро ёки жиноят иштини қўришда беихтиёр хатоликка йўл қўйса, охирада жавоби оғир бўлишини англаган.

Қозилар жинойи ишларни қўрганларида ўлим ҳукмидан бошқа ҳар қандай жазо бериш ваколатига эга бўлишган. Қози томонидан аниқланган оғир жинояти учун ўлим жазосига лойиқ деб топилган шахсни хон ёки амир шахсан суд қилиб, сўнг олий жазо берган. Бу тартиб қозиларнинг ҳуқуқларини бир қадар чеклагандек таассурот уйғотади. Аслида эса бу тартиб суд тизимининг гоятда мукамал ва адолатли бўлганидан дарак беради. Инсон тақдирини бир шахс – қози мустақил ҳал қила олмайдди. Бу жараёнда янада юқориқоқ маҳкама – сарой охириги сўзини айтиши керак (Ҳозирда амалда бўлган қонунчиликда ҳам айни шу қадим суд тизими аънасини кўраимиз. Биринчи суд босқичи чиқарган ҳар қандай ҳукм устидан айбланувчи юқори инстанцияга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Апелляция, кассация босқичларидан ўтган ҳукм қонуний кучга киради).

Аммо совет даврида чоп қилинган айрим китобларда гўё “Бағдоднинг бош қозиси вафот этган, ўрнига қози тайинлишини учун эълон берилгани, бунда бир кун ишлаган, эртасига боши танасидан жудо қилиниши шартлиги белгиланган бўлишига қарамадан қози бўлиш учун қатор навбатда туришган” қабиллидаги ривоят қайдан пайдо бўлган?

Ёки совет замонларида яратилган айрим киноларда ҳам қозиларнинг салбий образларига кўплаб дуч келамиз. Яна денг, бу образлар бачкана тарзда тасвирланади.

...Чор Русияси 1865 йилда ташкил қилинган генерал-губернаторликка Туркистонни бошқариш тўғрисида вақтинчалик низоми ишлаб чиққан. Икки йилдан сўнг бу низоми қайта тўлдирилган. Унга кўра “маъмурий ва ҳарбий ҳокимият бир-биридан ажратилмасдан бир кишининг қўлида бўлиши шарт” дея белгиланган. Туркистон генерал-губернаторлигига гўё мустақил субъект даражасида ҳуқуқлар берилган: қўшни давлатлар билан алоқани мустақил ҳал қилиш, аҳолига солинадиган солиқлар миқдорини белгилаш, чор Русияси фуқаролигига қабул қилиш, маҳаллий аҳоли устидан чиқариладиган ўлим ҳукмларини тасдиқлаш” ва бошқа ҳуқуқлар.

Ушбу низомида бир-бирига қарама-қарши ҳолатларга ҳам дуч келамиз, яъни Туркистон генерал-губернаторлиги ўз кўли остида бўлган ҳудудлар ҳамда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига яшаётган фуқароларга Россия фуқаролигини беради. Бундан кўринадики, бир қарашда мустамлака бўлган Туркистон аҳли бор бўйича чоризм давлати фуқаролари эмас. Унда улар қиллар? Вақтинча босиб олинганларми? Ундай десак, уларни ўлимга ҳукм қилиш учун генерал-губернаторликка нега ҳуқуқ берилган? Ўз фуқароси бўлмаган кишиларга ўлим жазоси бериш ўша вақтда мавжуд халқаро қонунларга тўғри келарми? Йўқ, албатта!

1873 йилда (Хива хонлиги ҳам тўла истило қилинган) Кауфман тақлиф қилган янги лойиҳада “маъмурий ҳуқуқларни кучайтириш” бандлари пайдо бўлди.

1886 йилги низомида суд тузилиши тўғрисида асосий қоидалар белгиланди ва бу билан қозиларнинг ҳуқуқлари бир қадар чекланди.

Чор Русияси Туркистонни босиб олган, бир қатор маъмурий ўзгаришларни амалга оширади. Аммо юз йиллардан озиқланган шариатча суд тизими – қозиликни йўқ қила олмайдди. Фақат унинг номини “халқ суди” деб ўзгартиради. Бу ўша қадимги суд бў-

либ, ўтроқ аҳоли орасида қозилик, кўчманчи қавмларда эса бийлар кўринишида сақланиб қолади. Қозилар ва бийлар волюте вакиллари ўтказган қурултойларда уч йил муддатга сайланишган ва номзодларни губернатор шахсан тасдиқлаган. Бийлар одатта, қозилар шариатга асосланиб ҳукм чиқаришлари тартиби сақланиб қолаверган.

Архив ҳужжатларида келтирилишича, 1899 йил Тошкентнинг Себзор даҳаси қозилигига Муҳиддинхўжа исмли инсон кўпчилик овоз билан сайланган. Вакиллардан 62 нафари унинг номзодини қўлаган, фақат 12 вакил қарши овоз берган. Низомга кўра вакиллар сайлаган қозини вилоят генерал-губернатори тасдиқлаши керак эди, аммо Муҳиддинхўжа номзодини генерал-губернатор тасдиқламайди. Сабаби, Муҳиддинхўжа эркин фикрли киши сифатида “қора рўйхат”га тушиб улгурганди. Жадидлар отаси Исмоил Ғаспрати Тошкентга келганида уни уйига тақлиф қилган, иззат-хурмат билан елкасига шарқона тўн ёпганди...

Бу бир-икки мисол орқали ўша замонларда барча қозилар адолат билан иш юритган деган даъводдан йироқимиз. Уларнинг орасида нафсига эрк берган, таниш-билишчилик қилган, ришва эвазига тарози посангисини ноҳақ томонга босганлари ҳам бўлган, албатта.

1952 йил чоп қилинган “Ўзбекистон ССР тарихи” кўп томли китобнинг иккинчи бобида Туркистондаги суд тизими ҳақида фақат салбий фикрлар берилган. Уқиймиз: “...Қози ва бийликка, одатда маҳаллий судхўр бийлар турли хўйла ва найранлар ишлатиш ва поралар бериш йўли билан сайланар эдилар. Одатга кўра, даъвогар ва жавобгар тўлайдиган ҳақ ҳисобига қози ва бийлар талай даромад олар эдилар. Мирзалар (қози ёрдамчилари) қўрилган ҳар бир иш юзасидан 10-12 тийиндан, ясовуллар жавобгардан 25 тийиндан олганлар. Ясовуллар кўпинча жавобгарлардан поралар олганлар ва “жавобгар топилмади”, деб баҳона кўрсатганлар.

Қози ва бийлар “ривоятлар” асосида ҳукм чиқарар эдилар; бундай “ривоятлар”ни даъвогар ва жавобгар учун муфтийлар ёки вакиллар тайёрлаб бера эдилар. Ривоятларни кўриб чиқишда аъламлар қатнашарди.

Шундай қилиб, Туркистоннинг халқ судлари деб аталган судлари – қози ва бийлар сотқинлик ва порахўрлик билан шуғулланилар, эксплуататорларнинг манфаатларини ҳимоя қилдилар ҳамда қоқоқ феодаллик муносабатларини сақлаб келдилар”.

Ушбу тарихназарманлар айтмиш иддаолари исботи учун бирорта факт ёки ҳолатни кўрсатишмаган – қуруқ тўхматона фикрлари билан чекланишган. Наҳотки, улар қозилар ҳукм чиқаришда фойдаланадиган Қуръони Карим оятлари, саҳиҳ ҳадислар, ислом ҳуқуқи асослари белгилаб берилган “Ҳидоя” асаридан беҳабар бўлишса?

Қозилар ёрдамчилари оладиган 10-12 тийинни пеш қилар эканлар, ҳеч бўлмаганда чор Русияси тайинланган “халқ судлари” ҳар ойда фалон рубль маош олишарди”, деб қистириб кетишганида давлат тўлайди-

ган маошга қаноат ҳосил қилмай яна пора олишганига ишонимиз мумкин эди. Аслида, қозиларга давлат ҳеч қандай маош тўламаган, улар ўзлари қўрган иш учун белгиланган иш ҳақи – ҳар бир ишдан 10-12 тийин олиш орқали рўзгорларини юртишган. Ва яна халқаро ҳуқуқ меъёрларига таққосласак, мирзалар оладиган тийинлар бағунги кунда амалда бўлган давлат божи тўлово ҳисобланади.

Ушбу асарни ёзган тарихчилар қозилар устидан кулиш учун дала четиди, ерга қўрпача тўшаганча иш кўраётган қозилар суратини илова қилиб, унга “Тошкент уезидида қозилар суди” деб ном тақашган.

Юз йилларки, амалда бўлган “қозихона” қайга кетди? Маълумки, ҳар бир қозининг фуқаролар арзларини тинглайдиган махсус қурилган қозихонаси бўлган.

Тўхмат ҳам эви билан-дан! Советлар ҳокимиятини қўлга олган, қозилик тизимини тугатиб, европача андозадаги суд тизимини яратишга киришадилар. “Ишчи-деҳқон ҳокимияти” аталган тузумда илк судьялик курсисига ҳуқуқ илмидан беҳабар, “совет тузуми учун фаол курашган” ишчи-деҳқонлар ўтиришган. Ва оқибати узоқ куттирмаган.

Ботот тумани мисолида айтадиган бўлсак, 1930 йилда янги тузилган туманга Шукур исмли аёл судьялик лавозимига қўйилади. Бор-йўғи тўртинчи синфни бир амалда тугатган бу аёл икки йилдан сўнг “ишда йўл қўйган хатолари учун” вази фасидан бўшатилади ва қатағондан қўриқиб, дарё ортга қочиб кетади. Шукур сўт лақабини мого ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида вафот этди. Момодан ўзи ишлаган даврлар ҳақида сўраганимда “Бизларга тепадан кўрсатма юбориларди: неча оти, сиғири бор оилаларни “қулқ” қилиш, бир вақтлари босмачилар сафидида қатнашганларни неча йилга кешиш кераклиги ёзиб қўйиларди. Шу кўрсатмадан чиқа олмасдик”, деганди.

Шукур момодан сўнг туман судьяси вази-фасига бизнинг қишлоқлик фаол колхозчи Қурбонниёзов “сайланган”, аслида тайинланган.

Қурбонниёзов қандай судья бўлганлигини у киши ҳақида ҳали-ҳамон одамлар хотирасида ашаб келаётган латифанамо воқеалар кўрсатади. Мана ўша воқеалардан бири:

Эшагини ўғирлатган бир бандида мелисаларга мурожаат қилади. Мелиса ходимлари ашак ўғриси топиб, тергов қилиб ишни судга оширади. Аммо, ашак топилмади – ўғри уни сотиб юборган бўлади.

Қурбонниёзов очиқ ўтган суд мажлисида ўғрини беш йил қамоқ жазосига ҳукм қилади ва уни суд залидан олиб чиқишни буюради. Эшагини ўғирлатган содда деҳқон судьяга қарата: “Мен эшагини ўғирлатиб... энди қуруқ қолавераманми?” деб илтижо билан мурожаат қилганида Қурбонниёзов “Бор, сенга ҳам уч йил!” деб уни ҳам қаматиб юборган.

...Бизнинг Қулон Қоробёқ қишлоғимизда “Қози овул” аталган элат бор. Қариялар атам келиб чиқишига хонлик даврида шу ерлик бир киши қози бўлгани сабаблигини айтишади. Эътиборлиси, совет замонида қишлоғимиздан илк оқий маълумот олган инсон айнан шу элатдан – қозилар авлодидан эди. Ҳа, қозилар орасида илмталаб, маърифатпарвар миллатдошларимиз ҳам кўп бўлган. Фақат мафкурага бўйсундирилган чўпчаларга кўпам ишонавериш керак эмас.

**Рўзимбой ҲАСАН,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
юшмаси аъзоси

## ЖАҲОН АЙВОНИДА

## ХАВФСИЗ ШАҲАР

Сўнгги бир йил ичида Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрида йўл-транспорт ҳодисаларида ҳеч ким қурбон бўлмади, дея хабар берди “YLE”.

Шаҳарда ўлимга олиб келган сўнгги ЙТХ 2024 йил июль ойи бошида содир бўлган. “Бу натижага кўплаб омиллар таъсир кўрсатди, лекин тезлик чекловлари энг муҳимларидан бири бўлди”, дейди шаҳар



атроф-муҳит департаментининг транспорт ҳаракати бўйича муҳандиси Рони Утрианен.

Ҳозирда Хельсинки кўчаларининг ярмидан кўпиди тезлик чегараси 30 км/соат этиб белгиланган. Эллик йил олдин бу кўрсаткич 50 км/соат бўлган.

**ОДАМЛАР ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИНАДИ**  
Россиянинг Узоқ Шарқ соҳиллари яқинида Рихтер шкаласи бўйича 8 балли zilзила содир бўлди.



Россия Фанлар академияси Геофизика хизматининг Камчатка бўлими маълумотларига кўра, бу 1952 йилдан бери энг кучли ер силқиниши ҳисобланади.

Зилзиладан сўнг бир қанча мамлакатда цунами хавфи эълон қилинди. “Euronews” хабарига кўра, Японияда 2 миллионга яқин одам эвакуация қилиш учун тавсиянома олган.

### ЯНА 15 ДАВЛАТ ФАЛАСТИННИ ТАН ОЛМОҚЧИ

Дунёнинг 15 та давлати ташқи ишлар вазирлари Нью-Йоркда ўтказилган конференция яқунлари бўйича Фаластинни



тан олиш масаласини кўриб чиқишни кўплаб-қувватлади. Бу ҳақда уларнинг қўшма баёнотида айтилган бўлиб, уни Франция Ташқи ишлар вазирлиги эълон қилди.

Ташқи ишлар вазирлари раҳбарларининг таъкидича, Фаластинни тан олиш масаласи 2025 йил сентябрь ойида БМТ Бош ассамблеяси 80-сессиясининг юқори даражали ҳафтасида муҳокама қилинади.

## БЕПУЛ РЕПЕТИТОР

OpenAI ChatGPTда билимларни босқичма-босқич мустаҳкамлашга мўлжалланган янги функция – “Ўқув режими” (Study Mode) тақдим этилди.



Ушбу янгилик фойдаланувчиларга нафақат тайёр жавобларни олиш, балки вази-фалар ва мавзуларни таҳлил қилиш имконини беради.

Мазкур функция барча тариф режаларида рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар, жумладан, бепул версия ҳамда Plus, Pro ва Team обуналари эгалари учун ҳам мавжуд.

ChatGPT Edu таълим версиясига эса бу режими бир неча ҳафта ичида қўшилади.

## ТОЛИБОННИНГ ТАНҚИДИ

Талибон ҳукумати қўшни мамлакатлари афгонларни оммавий равишда чиқариб юбораётгани учун танқид қилди.



Эрон ва Покистон ўз ҳудудларида ноқонуний яшаётган чет элликлар, деб ҳисобланганларни мамлакатдан чиқариб юбормоқда. Бу ҳақда “ABC News” хабар берди.

Иккала мамлакат ҳам мuddатлар белгилаб, агар ноқонуний муҳожирлар бунга риоя қилмаса, уларни ҳибсга олиш ёки депортация қилиш билан таҳдид қилмоқда. Давлатлар афгонларни нишонга олаётганининг рад этишмоқда, ваҳоланки, афгонлар иккала мамлакатда ҳам кўпчиликини ташкил этади.

Талибон ҳукуматининг қочқинлар ва ватанга қайтиш масалалари бўйича вазир ўринбосари Абдул Раҳмон Рашид ушбу мамлакатларни депортация сиёсати учун қоралади ва буни “халқаро меъёрлар, ин-

сонпарварлик тамойиллари ва исломий қадриятларнинг жиддий бузилиши” деб атади.

### POWERBANK САБАБ ОРТГА ҚАЙТГАН САМОЛЁТ

Asiana Airlines авиакомпанияси самолётида йўловчи буюмини борда тушириб юборгани сабабли учоқ ортга қайтишга мажбур бўлди. Бу ҳақда “Haberlar” хабар берди.

Маълум қилинишича, самолёт Истанбулдан Сеулга учаётган бўлган. У Қозоғистон ҳудуди устидан парвоз қилаётганида йўловчилардан бири Powerbank қурилмасини ўриндиқлар орасига тушириб юборган. Оқибатда у экипаждан ёрдам сўраган. Бироқ борт қузатувчиларининг қурилмани



олишга уриниши муваффақиятсиз тугаган. Шу сабабли самолёт ярим йўлдан Истанбулга қайтган.

Жанубий Корея фуқаро авиацияси қўмитаси авиакомпанияларга самолёт бортида портатив зарядловчи қурилмаларни ташишни тақиқлайди. Сабаби Powerbank литий-ион батареяларга эга бўлиб, нотўғри ишлатилганда ёки зарарланганда қизиби кетиши ёки портлаши мумкин.



## ЖАВОҲАРЛАЪ НЕРУ ТАНИГАН ЖАДИД

Бошланиши 1-саҳифада.

1918 йил ноябрда таниқли зиёлилар билан Қўқон халқ университетини ташкил этишда қатнашди ва унга раҳбар этиб сайланди. Бу даргоҳ Фарғонадаги педагогика институтлари учун асос бўлади.

20-йилларда, советлар тарихчиларга нисбатан муайян эркинлик берган даврда Солиев ўз асарлари ва дарсликлари билан шуҳрат қозонди. "Мангитлар даврида Бухоро", "Ҳиндистон Англия зулми остида", "Бухоро тарихи, I қисм", "Урта Осиёда савдо капитали даври", "Урта Осиё тарихи: XI-XV асрлар", "Ўзбекистон тарихи", "Ўзбекистон ва Тожикистон", "Урта Осиёда исломнинг тарқалиши" каби асарлари бирин-кетин нашр этилади.

Пўлат Солиевга 1926 йилда профессор унвони берилди.

Олим давр тақозосига кўра ўзига хос услубда ижод қилган. Бир мавзуда китоб ёзар экан, асар замирида бутунлай бошқа бир муаммони фож этарди. Масалан, "Ҳиндистон Англия зулми остида" рисоласида муаллиф расман инглиз мустамлакачилигини танқид қилади, аслида эса большевиклар ва совет ҳукумати сиёсатининг ғайринисоний жиҳатларини маҳорат билан очиб беради.

У 20-йиллар бошидаёқ миллий тарихни ўқитиш учун дарслик ёзишга киришади, аммо большевиклар бу лойиҳаларни рад этади. 1929 йилда "Ўзбекистон тарихи" китобини чиқаришга муваффақ бўлади. Китобнинг кириш қисмига Амир Темури портретини қўйдиргани учун "ўтмишни идеаллаштириш" айби билан таъқибга учрайди. Бу пайтда ҳали "Ўзбеклар ҳам Темури болалари" (1927) мақоласининг захри кетиб улгурмаган эди.

1933 йилда "Урта Осиё тарихи" асари "идеологик жиҳатдан номақбул" деб эълон қилинади. 1936 йилги тарихчилар курултойида Солиевнинг асарларига "пантуркчилик ва миллатчилик" тамғаси босилиб, дарслик сифатида фойдаланиш тақиқлаб қўйилади.

1937 йилги "катта террор" тўғриси профессорни ҳам четлаб ўтмади. Уша йилнинг ўзида уни Самарқанд давлат университетидан бўшатишади. 11 октябрда расман ҳибсга олиниб, "пантуркчилик ва антисовет тарғибот"да айбланади. Қарийб беш ой давом этган қийноқлардан сўнг, 1938 йил 28 февралда "халқ душмани" сифатида отиб ташланади. Шу билан биринчи ўзбек тарих профессори қатагон машинаси қурбонига айланади.

Советларнинг жазаватга тушгани, бир олимга оч бўридай ташлангани бежиз эмас эди. Унинг ҳаёт йўли ва илмий мероси ХХ аср бошларидаги Ўзбекистон тарихшунослигида мислсиз аҳамиятга эга. У замон кўтармаса-да, воқеаларга бирёқлама эмас, ҳолис, мустақил ва танқидий қарашни ёқлаган. Мустамлакачилик ва унинг халқ ҳаётига таъсири борасида юзаки хулосалар билан чекланмаган – ҳар бир босқинчилик ва унинг асл мақсадларини, оқибатларини теран англашга ҳаракат қилган.

Биргина "Ўзбекистон тарихи" асари илм-фанимизнинг юксак ютуғи, миллатнинг ўтмишини ҳақиқий ва ҳолис ёритишга, халқнинг эзгу орзулари ва аламларини акс эттиришга қаратилган меҳнат самарасидир.

Солиев заҳматлар эвазига ёзилган асарлари чоп этилмай ётгани, чоп этилганлари тақиққа учрагани, энг аламлиси, халққа этиб бормаётганидан афсусланиб, дўстларига шундай дейди:


"Агар Февраль инқилоби давом этганида, биз ҳозир миллионлар бўлардик. Бу вақт ичидан мен юзлаб илмий асарлар, Туркистондан қизилқарли нарсаларни ёзиб чиқар эдим. Аслида, капиталистик мамлакатларда тарихчилар ва ёзувчилар куллар эмас, наشريётларнинг асирларидек эмас, улар ўз асарларини ўзлари чоп этади ва катта обрўга эга бўлади. Биз эса, кимнингдир истаги учун, сунъий китоб ёзиш буйруқлари билан ўзимизни қийнардим. Биз муҳтожмиз ва тиланчилик қиламиз."

ҳаётдан, хусусий мулкдан ва меъёридаги шахсий эгоизмдан маҳрум бўлса, коллектив ҳаёт узоқ давом этмайди. Одам фақат ўзи учун ҳаракат қилганда жиддий ёндашади. Мана шу таъкид ҳар бир жамият тараққиёти учун шахсий эркинлик, иқтисодий муҳит ва ижодий имкониятлар зарурлигини англатади.

Пўлат Солиев асарларини ўрганиш давомида талқин ва таҳлилга эътибор берилса, Англия ва СССР моделлари ўртасидаги туб фарқ кўзга яққол ташланади. Масалан, "Ҳиндистон Англия зулми остида" асарида инглиз модели-



"...Капиталистик мамлакатларда тарихчилар ва ёзувчилар куллар эмас, наشريётларнинг асирларидек эмас, улар ўз асарларини ўзлари чоп этади ва катта обрўга эга бўлади. Биз эса, кимнингдир истаги учун, сунъий китоб ёзиш буйруқлари билан ўзимизни қийнардим..."



Бу сатрларда нафақат бир олимнинг, балки бутун миллатнинг эркинлиги, сўз ва фикр эркинлигига чанқоқлиги, оғриги, бахтсизлиги мужассам. Пўлат Солиев совет мафкурачилари йўққа чиқарган изланишларига ачинмайди, балки келгуси авлодлар ҳам илмий ва ижодий эркинликсиз қолса, халқ маънавий қашшоқликка, илм эса турғунликка маҳқум бўлишини таъкидлаб, қуянади.

Совет даврида "Коммунизм курсак, барча миллионер бўлиб яшайди", "Барчанинг ҳаёти фаровон бўлади" каби афсоналар халқ онгига синдирилган эди. Бу афсоналарнинг замирида умумий мулк, шахсий ташаббус ва шахсий эркинликни инкор этиш ётар эди. Пўлат Солиев олим сифатида бундай ғояларга қатъий қарши чиққан. Чунки амалда бу нарса янги истибод, қашшоқлик, халқнинг ижтимоий-иқтисодий таназзули ва миллий элиталарнинг қатлиомига олиб келган. "Энг ёмони, колхозчилар аҳоли оғир: улар ҳаммаси оч. Иш давомида очликдан ҳолдан тойганларни кўриш мумкин..." деб, халқнинг асосий қатламлари қандай иқтисодий ва маънавий инқирозга учраганини теран тасвирлаган.

Олимнинг фикрича, агар одамлар шахсий

да замонавий таълим, ҳуқуқий ва иқтисодий тизимлар жорий этилгани, инглиз тили ва маданияти орқали рақобат муҳити, имконият ва очкилик пайдо бўлганини қайд этади. Шу босис, бугунги Буюк Британияда Ҳиндистон ва Покистондан чиққан юқори лавозим эгалари борлиги, миллатлараро тараққиёт ва имконият йўли кенглиги билан ажралиб туради. Шунингдек, Ҳиндистонда Буюк Британия мусулмонларга, барча мустамлака халқларига тўлиқ эркинлик беради. Ҳиндистонда 2 миллион маҳаллий аҳоли олий маълумотга эга. Улар ўз ҳаётдан мамнун, шунинг учун ҳеч қандай норозилик ва низо бўлмадлиги ҳақида ёзади.

СССР таърибасида эса бунинг аксини кўрамиз: миллий элиталар йўқ қилинди, маҳаллий аҳоли юқори лавозимларга йўл топа олмади, халқ манфаатлари доимо четда қолди.

Пўлат Солиев дунёдаги глобал қарама-қаршилиқлар, катта давлатлар ўртасидаги эзидиятлар ва уларнинг Марказий Осиё учун ҳавфини илмий таҳлил қилган ва баҳорат берган. У 1935 йил май ойида, Иккинчи жаҳон уруши арафасида СССР ва нацизм Германияси ўртасида бўладиган ҳалокатли тўқнашуви, келажак урушнинг шакли ва оқибатлари

ҳақида шундай ёзган эди:

"Биздаги аҳмоқлар куруқлик армиясини ҳаддан ташқари қўлайтирипти, уни кўчаларда намойиш қилиб, кулгига қояпти. Аслида, келажакдаги уруш куруқликда эмас, ҳавода бўлади, ҳал қилувчи куч – бу куруқликдаги армиямиз эмас, балки илм ва техника бўлади. Немислар шундай бомбардимончи самолётлар яратдики, улар ҳар қандай вақтда Москва ва Ленинградни кулга айлантира олади. 24 соат ичидан улар ҳудудимизнинг ярмини эгаллашга қодир... Агар Гитлер тирик бўлса, яна бизнинг бошимизда маймун рақиси бошланади... Москва ва Ленинградни босиб олса, қолганини урушсиз эгаллайди. Аслида, Россия пахтага таянади, Туркистон пахтага таянади. Пахта бўлмаса, саноат ўз-ўзидан тўхтайдими. Агар Боку ҳам кетадиган бўлса, Россия зулматда ва нефтсиз қолади. Русларнинг ҳақиқий ватани – Сибир, улар фақат ўша ерда қолади. Ҳатто Сибирда ҳам кўп ҳудудни Япония ўз кўзи билан кўриб кўйдими... Германия эса келажакда Европанинг ҳўжайинига айланишга интиляпти ва, шубҳасиз, айланади... Уруш бошланган заҳоти босмачилик кучаяди, мамлакат ичидан парокандалик бошланади. Сўнгга (ГПУнинг одамларидан) шубҳали одамлардан бўлган суҳбатлардан қочинишда..."

Бу баҳоратлар олимнинг дунёқараши ва стратегик фикрлаш қобилияти қандай юқори бўлганини, тарихий сабоқлар фақат ўтмиш учун эмас, балки келажак учун муҳим эканини исботлайди. Жаҳон урушидан сўнг тарих яна бир бор бу гапларнинг ҳақиқатини тасдиқлади – илм, саноат, техника ва озодлик асосий бойлик экани аён бўлди.

Гарчи советлар олимни жисмонан йўқ қилган бўлса ҳам, унинг доғруғи аллақачон жаҳон илмий ва сиёсий доираларига маълум бўлиб улгурган эди.

1955 йил 15 июнь куни Ҳиндистон Бош вазири Жаҳоҳарлаъ Неру расмий ташриф билан Тошкентга келади. Олий мартабали меҳмон шарафига Ўзбекистон Фанлар академияси залида тантанали учрашув уюштирилади. Анжуман якунига етгач, Нерунинг таржимони ташкилотчиларга "Жаноб бош вазири хурматли профессор Пўлат Солиев билан учрашмоқчи", дея мурожаат қилади. Уша пайтдаги Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Ғани Султонов бу номни эшитиб, "бундай одамни танимайман", деб жавоб беради. Ҳамма беихтиёр Академия президенти Теша Зоҳидовга қараб қолади. Ижодкорлар, олимлар сукут сақлаб, алам билан ерга қараб тураверади. Таранглашиб бораётган вазиятга Зоҳидовнинг қисқа изоҳи чек қўйди: "Жаноб бош вазири, профессор Пўлат Солиев анча йиллар олдин йўлда вафот этган. Қабри қаерда эканини ҳам билмаймиз..."

Бугун халқимиз ана шундай фидойи инсонларни, уларнинг ҳақиқий меросини қадрлаб, тарихни ҳолис ўрганиб, ҳақ сўзга собит туриши, юрт тараққиётига ҳисса қўиши зарур.

Пўлат Солиев сабоғи Янги Ўзбекистонни қурадиган, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган авлод учун ҳаётий ўрناق ва ибратдир.

**Б.ҚОДИРОВ,**  
**Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар**  
**институтини бўлим бошлиғи**  
**А.АТАЕВ,**  
**катта илмий ходим**



## ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми.  
Бошланиши ўтган сонларда).

**Омонullo Нусратуллоев** – 1906 йили Бухоро шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. 1922–1929 йилларда Германияда ўқиган. "Озод Туркистон" ташкилоти аъзоси.

Орта қайтгач, сафдошлари билан аксиланчилик тарғибот олиб боришда айбаниб, 1937 йил 4 сентябрь куни Тошкент шаҳрида қамоққа олинган. 1938 йил 9 октябрда СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг Тошкентда бўлиб ўтган кўчма сессиясида отувга ҳукм этилган.

1959 йили 20 апрелда суд қарори билан реабилитация қилинади.

**Хошим Сатторов** – 1904 йил Наманган шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилган. Миллати ўзбек. 1930 йили Москвадаги тиббиёт институтини тугатиб, ички касалликлар бўйича шифокор бўлиб ишлаган. Жадидларнинг "Қўмак" жамияти фаолиятида иштирок этган. Аввал комсомол сафиди эди, кейин партия аъзоллигига қабул қилинади.

Москвадаги СССР Тропик институтини аспирантурасида ўқийди. 1931 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қарори билан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигида кадрлар мудири лавозимига қўйилади. 1932–1934 йилларда ЎзССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссари ўринбосари, 1932 йили июнидан Тошкент тиббиёт институтини директори бўлиб хизмат қилган. Советларнинг 5-курултойида ЎзССР Марказий ижроия комитети аъзоси этиб сайланган.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрдаги йиғилишида отувга ҳукм этилган.

**Хайринисо Маждихонова** – 1905 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. Қамоққа олинганга қадар Тошкентдаги 14-сон амбулаторияда шифокор бўлиб ишлаган. 1922 йилдан 1928 йилгача Германияда ўқиган. "Озод Туркистон" ташкилотининг аъзоси бўлган.

Аксиланчилик алоқаларида айбаниб, 1937 йил 25 сентябрда Тошкент шаҳрида ҳибсга олинган.

Х.Маждихонова 1938 йил 9 октябрда СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясида ЎзССР Жиноят кодексининг 62-, 64- ва 67-моддалари бўйича айбаниб, СССР Марказий Ижроия Комитетининг қарори асосида отувга ҳукм этилган.

**Тўлаган Мўминов** – 1902 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. 1922–1931 йилларда Германияда ўқиган. "Озод Туркистон" ташкилоти аъзоси. Ватанга қайтгач, "Ўзбекэнергия"да катта ваҳандис бўлиб хизмат қилган.

1937 йил 7 августда ҳибсга олинди, 2 сентябрда Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 60-, 67-моддалари билан жавобгарликка тортилган.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 9 октябрдаги йиғилишида отувга ҳукм қилинган.

1956 йил Тўлаган Мўминов реабилитация қилинган.

**Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,**  
**тарих фанлари доктори, профессор**  
**Азизбек МАҲҚАМОВ,**  
**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори**  
**Нигорахон АКБАРОВА,**  
**музей илмий ходимаси**  
(Давоми келгуси сонда).

### ЯНГИ НАШР

Жадидлик ҳаракатининг атоқли вакили Элбек (Машриқ Юнусов) кўп қиррали ижодкор ҳисобланади. Утли шеърлари, давр руҳини акс эттирган ҳикоялари, Пушкин, Крилов, Некрасовлардан қилган таржималари, тилшуносликка оид мақолалари, тузган луғатлари, дарсликлари ва тўплаган фольклоршунослик намуналари – шоир, носир, таржимон, тилшунос, фольклоршунос, педагог ҳамда таниқли публицист сифатида Элбек жуда катта адабий ва илмий мерос қолдирганидан далолатдир.

Ҳаёти давомида бир қанча масъул лавозимларда ишлаган бўлса-да, Элбекнинг асосий касби ўқитувчилик эди. Жадид мактаби таълимини олган шоир эркинликдан қутулишнинг энг қулай йўли – халқни маърифатли қилиш, фарзандларга тўғри таълим ва тарбия бериш, деб билган. Шу мақсад йўлида у болалар учун туркум шеърлар, масаллар ёзди. Халқ кўшиқлари, эртақларини тўплаб нашр эттириш билан бирга, бошланғич синфларга мўлжалланган "Ёзув йўллари", "Ўрناق", "Бошланғич мактабда она тили", "Билим",

## “ЎРНАК” БИЗГА ЎРНАК БЎЛСИН!



"Гўзал ёзгичлар" сингари дарсликлар яратди.

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Машхура Дармонова ҳамда Бахтиёр Муродов томонидан яқинда Элбекнинг "Ўрناق" китоби ҳозирги ўзбек алифбосига ўгирилиб, қайта нашр қилинди. Мактабларнинг биринчи, иккинчи ва учинчи синфларига мўлжалланган уч китобдан иборат ушбу дарслик эски ўзбек ёзувидаги асл матн (факсимиле) билан бирга

яхлит тўплам қилинган. Дастлаб, 1925 йилда чоп этилган бу китоблар ХХ аср бошларидаги янгиланган педагогиканинг илгор тамойилларини акс эттиради.

Муаллиф дарслик муқаддимасида шундай ёзади: "Ўзбекистон маориф комиссарлиги қошида тузилган "Ўзбекистон билим кенгаши"нинг менга топшириши бўйича, бошланғич мактабларимизнинг I, II, III бўлуллари учун ушбу қўлингиз-

даги "Ўрناق" отли асарни туздим. Буни тузишда Ўзбекистон билим кенгашининг "Таълим ва тарбия" комиссиясининг кўрсатган йўли билан ҳаракат этишга тиришдим". Ушбу дарсликларнинг ҳар бири ўқувчиларнинг ёши ҳисобга олинган ҳолда турли даражадаги ҳикоялар, шеърлар ва кичик матнлар билан бойитилган.

Биринчи синф ўқувчиларига мўлжалланган "Мактаб", "Ҳў", "Ҳў ичи" (оила), "Жониворлар", "Қушлар", "Қиши", "Соғлиқни сақлаш йўллари", "Қурт-қумурсқалар", "Фаслар", "Ўсимликлар", "Маъданлар", "Қашшоқлар" каби ўн икки бобдан иборат дарсликнинг дастлабки қисмида болаларга ҳаётий ва илмий тушунчалар берилган. Иккинчи синф ўқувчиларига мўлжалланган қисмида турли масал ва эртақлар, болаларнинг қизиқиши ва истакларини акс эттирувчи шеърлар жамланган. Учинчи синфларга мўлжалланган "Ўрناق" ўқиш китоби эса ҳар бири ўзига хос дидактик вазифани бажарадиган 7 бобдан ташкил топган. Бунда асосий эътибор ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакасини босқичма-босқич оши-

риб боришга қаратилган.

Уч қисмли мазкур дарсликда халқ озғани ижоди намуналари, шоирнинг ўзи томонидан ёзилган шеър ва ҳикоялар, замондош шоир ва ёзувчилар билан бир қаторда, рус ва қардош халқлар адабларининг асарларидан ҳам фойдаланилган. Жумладан, Боту, Чўлпон, Илғор, Чигатой, А.Авлоний, Ҳасанбек, Гулом Зафарий, М.Тошмат, Юғриқ, М.Тошмон, Юлдуз, Раҳим Раҳмоний таҳаллуслари остидаги шеър ва ҳикоялар берилган. Улар ўша давр адабиётини тадқиқ этишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Бу дарсликлар бугунги давр ўқувчилари учун ҳам аҳамиятлидир. Улардан замонавий таълим тизимидаги дарсликларни яратишда, шунингдек, жадид мактабларининг асосларини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

**Бекзод ИБРАГИМОВ,**  
**Алишер Навоий номидаги**  
**Тошкент давлат**  
**ўзбек тили ва адабиёти**  
**университети**  
**мустақил изланувчиси**



## ЗАРДА

Кун ҳиндининг тандиридай қизиганда айқопловнинг терскай қазилган ўрасидай муздеккина уйда "Барра бодринг" деган ёпиштирмаси хира тортиб кетган бонкадаги совуқ чойни хўплаб, "инста" оралаб талтайиб ётганим.

Қарасам, бирови майлисда бошқасига ақл беряпти: "Мана, мисол учун сигирни олайлик. У тарвуз пўчоғни еб, сут беради, қатиг беради, пишлоқ беради, яна гўшт ҳам беради. Биз-чи? Сиз билан биз тарвузни ўзини еб, жамиятга нима беряпмиз?!" Ўтирганлар бешқарсак чалвориди. Ҳаммасига кулиб қўйдим. Лекин шу пайт кўзим қандай илингани билмай қопман. Қушуйқининг тушига ўша ибратли лавҳадаги ваъзхон кирди. Менга қараб: "Оддий говмиш оддий тарвуз пўчоғини еб, шунча нарса беряпти! А, сиз нима беряпсиз?!" деб ўшайса бўладими? Ухлаётган бўлсам ҳам каллам зўр ишлаб кетди: "Менми?... Мен... ҳалиги сигирга тарвуз пўчок беряпман!" Бундай жавобни кутмаган ваъзхон, қошларини уйиб, кўзларини олағазак қилиб ҳилқинди: "Ғалатимасми?..."

Бу қизгин баҳс-мунозара ҳали кўп давом этарди-ю, хотин уйғотиб юборди. Айтишича, ошнам Ўткиржон оғир ётганмиш. Ўзим жуда ҳождатбарор йигит. Жондек жигарим. Қачон қарама, одамларни ҳождатини чиқариб юради. Мана, энди ўзи ҳождатдан чиқолмай қолти, бечора... Ҳозир касалхонада эмсам. Шифохона бўлсаям гўргайди, бечора нақд хастахонада мушдеккина жонини ҳовучлаб, дарди беҳаё билан курашяпти, дейди хотин қошларини баланд-паст қилиб.

А, лаббай? Дарди нима экан, тўнчий айт дейсизми? Бундоқ...

"Инфекцион касалликлар бўлими"дан маҳзун чиққан дўхтир юзигада ниқобини тушириб, кўзигада ойнагини ҳафсала билан артганча деразадан олис-олисларга тиришиб тикилибди ва пашшалар дастхат қўйган ойнани кафти "тирт-тирт" эткизиб артиб, беморнинг жавобга маҳтал яқинларига дебди: "Ўткир диарея..."

Ия, чўртқесар, жайдари йигитга қаёғдаги чет элча касаллик илашибдими деб турсам, хотин айтиб қолди, бу "диарея"си ўзимизни ичбуруғ экан. Билмагандан кейин қийин-да! Бўлмаса, ҳар ёз яримта чиллақини пақос тушириб, жон чашма лабига лаб босиб, сув ичган

# БУ ДАРДЛАРГА ДАВО БОРМУ?



кунларим кўп бўлган, ҳеч нима қилмаган. Хуллас, дезинфекция деган исми расми учун битта "яримта"ни кўлтигимга термометр қилиб, "Ўткир диарея"ни кўргани бордим.

Касалхонага кираверишда кўчмас бозор ташкил қилворишибди барака топгурлар. Шуларга қараб, мўйловни бураб, мириқиб турсам, бир қизгина: "Кеп қолинг, муздек айрон! Ичганлар дармонда, ичмаганлар армонда!" деб қолди. Кўнгил кетди, дил кетди, ўн беш минг сўм пул кетди. Секин бориб, таниш кўшиқчи ҳиргойи қилдим: "Айрончи қиз, куйгил энди айронингдан! Ўргило-ин чакангадаги райхонингдан!"

Биринчи истакон мойдай ўтди. Ортидан яна битта урвордим. Кейингисини таъми жиндек бошқача туйилди. Ҳазилга олиб: "Синглим, бу ўзи айронми, қимизми?" дедим. Ҳайрон бўлиб: "Айрон..." дейди тушмагур! Ишонқирамай, тоғорасига кўз ташласам... не кўз билан кўрайки, бир яшилтоб пашша идийш лабиди бамайлихотир бирварақайига иккита ишни бажаряпти. Бир-иккитаси ичига тушиб, чалқанча сузиш, синхрон

сузиш, артистик сузиш, капалак сузиш, ит сузиш қилиб ўзларининг ёзги спартакиадасига тайёрланишяпти.

Бу ёғи қанчага тушди энди? Нима қиларимни билмай қолдим. Анов қизга бир нима деб ўдағайладим. У бўлса: "Ўзини босинг, мулла ака, кўйнизга омасайиз, ҳичтима қимийди! Эскилар "билмаганга тоза" дейишган, мулла ака!" деб ўзини оқлашга тушди. Бу жониворлар ўзимизники, пок-покиза, дейишига ўлайми?! Таъбир тирриқ бўлиб, кўл силтаб жўнавордим. Шуюм бировни боласи, тирикчилигини қилсин, дедим ичимда. Лекин бу ёғига ҳамма нарса балодай кўринадиган бўлқолди кўзимга!

Мана, мисол учун, анави пирамида каби уйиб қўйилган қурутларни олайлик. Назаримда, уларни қатигини ковуш кийган икки азамат паҳса лойини пиштитган каби тепиб-тепиб тайёрлагандек, юмалоқ бўлмаганларини бирор кўли ювиқис гижимлаб-ғижимлаб ташлагандек, тоза чаккига унми, оҳакми, албастрими қўшгандек туйилаверди, туйилаверди... Сотувчи хола "Қурут бе-

райми? Ёғлиқина, кўлбола қурут!" деганида Мумбай ошхоналари кўз олдимга кеп кетди! Кўлбола эмиш! Оёқбола эмасми?! Ўргилдим!

Иккига бўлинган тарвуз устида суварак кўрганимни айтдимми? Ўзларини "Титаник" бурнидаги Жек ва Роуз ҳисоблаб, тўла-тўқис романтика қилтишибди. Яна бири майиз тўрва соҳилида қўлини ёстиқ қилганча кунгайда тобланипти – ўзбекча айтганда, "загар" оляпти. Ёнида ётган ойимчаси кактейл қўйилган тошёнгоқ палласига ажриқ найча тикиб, хўрилляпти. Майна чўқиб кетган хусайнига иккита ари кўнганди, бироз ўтиб икковиям шох ташлаб учиб қолди денг. Бу офтобда, тагин бундай шароитда узум шўрлик ё майиз бўлади, ё сирка, ё вино...

Шу пайт мўрс бўчқани эгаси қаёғдаги ўрик шарбатини мақтаб кетди. Илгарилари бундай нарсаларга қурбақа ташлаб қўйилади дейишганди. Нега солишаркин деб роса ўйлаганман. Афсоналарга кўра, бақа жонивор шарбатини муздек сақлармиш. Ҳар чўлқачда бир ҳақиқат. Ўтган йили билиб қолдим.

Ростан солишаркан. Фақат бошқачароқ усулда...

Узоқ сафарга чиққандим. Йўлдаги гўжадан ичгим келди. Тушиб сўрасам, салкам икки юз килолик аёл сақичини қарсиллатганча столдаги ювиқисиз косани шартта кўтариб, ариқда чайиб-чайиб олди-ю, ажабтовур эпиллик билан ичига гўжа тўлдириб, менга узатди. Ўша ерда тарашадай қотдим. На ичишимни билмаман, на кетишимни. Ана шунда бу сирли масалага ечим топдим: коса чайиб баҳонасида шу каби бўчаларга қурбақа "бехосдан" тушиб кетади...

Оптинчи палатага кирсам, Ўткиржон лиму еган бадавийдай афтини ғижим қилиб, қорнини жон-жаҳди билан силаб ётибди. Тоб ташлаган ноғорадай қорнига катак-катак йод тортилган. Ўзимни сал бери тортиб сўрадим: "Ўзи бу боло сенга қайдан илашди, жигар?" Бечора аранг мингирлади: "Эркини биласан, қайнукам. Икки кун аввал ўшани кўрган шу ерга келганим. Бечора, ичбуруғ бўлиб ётганим. Кираверишда, айрон ичганим эсимда. Шарт ичакни бурадику савил!.. Шундан бери, кўриб турибсан, бу ахвол. Менга қара, мабодо, кўзинг тушса, кўча-кўйда, офтобни тигида тобланиб ётган ҳар балони ичиб-пичиб юрмагин, хўпми?!"

Анграиб қолдим. Тўсатдан ичимда нимадир исён қила бошлади...

Ташқаридан эса айрончи қизнинг мунис овози келди: "Кеп қолинг, муздек айро-он!" Давоми бошқача эшитилди: "Бундан ичганлар армонда, ичмаганлар дармонда!"

Бу қайси касалхона экан деб ижикилайдиган, дарров интернетда негатив ёпиштирадиган тўшақ файласуфларига жавобимиз шулдир: мундоғ муборак ортингизни кўтариб кўчага чиқинг, йўл бўйидаги ўрик шарбат ё айрон гўжадан икки пиёла сипқоринг. Сиз сўраган манзилга ўзлари обориб қўйишади. Саломат бўлғайсиз.

**Шифойи комил тилаб:**  
**Бобоқанд ТАБИБИЙ.**

*Ўз қўлим билан чоршанбаи мурод-бахш кўни қорнимга қўранта жўхори боғлаб, бемажолу беҳол битдим.*

## ТИЛБИЛИМ

## “ТАВОН” ва “ТОВОН”: ЭТИМОЛОГИК “ҚАРИНДОШ”МИ ЁКИ ШАКЛДОШ?

*Мунда мен, анда нотаваон кўнгулм,  
Мунда мен зору анда қон кўнгулм.*

Ушбу байт Алишер Навоий "Ҳамса"сининг "Саъбаи сайёр" достонидан келтирилди. Навоий асарлари тилининг изохли лугатига кўра, нотаваон – заиф, қувватсиз, қудратсиз, ожиз маъноларига эга. Нотаваонлик, нотаваоно шаклида ҳам келади. Навоий "Садди Искандарий"да шундай ёзади:

*Бу ишга керактур тавоно киши  
Эмас мен киби нотаваоно киши.*

Тавоно нотаваоннинг зидди бўлиб, қодирлик, қудрат маъносига қўлланилади. Тавон сўзи форсий *тавонестан* – қила олмоқ, қодир бўлмоқ феълига но-олд инкор қўшимчаси қўшиш орқали ясалган, нимжон, кучсиз, қашшоқ маъноларини ифодалайди. Тавон – форсий ўзлашма сўз.

Аҳамият берсак, инсоннинг тана аъзоларидан бири тавон деб аталади. Агар одамда тавон бўлмаса оёқда тик туролмайди, мувозанатни йўқотади. Маъно жиҳатидан тавон тавонга бироз тўғри келади. Яъни, тавон инсоннинг муҳим аъзоси, товоносиз нимагадир қодирлик хусусияти сусаяди (Инсон товононинг нозик аъзо эканлигини ифодалашда "Ахиллес товоно" иборасидан фойдаланишади. Бу ибора "охириклик ҳудуди, заиф нуқта" маъноларини билдиради).

Тавон ҳам форсий ўзлашма бўлса керак, деб турган эдим ҳамки, бир маълумот "манаман" деб ўзини кўз-кўз қилиб қолди. Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони лугатит-турк" китобида табан – туя товоно,


табанлади – товоно билан урди дея изоҳланган. Ўзбек тилининг этимологик лугатигада маълумотга кўра, товоно – оёқ кифтининг орқа қисми. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони аниқлаган бу от асли "бос-", "эз-" маъносини аниқлаган та:па – феълидан -н қўшимчаси билан ясалган. Кейинроқ а: унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолиб, икки унли оралигидаги л товуши б ундошига, ўзбек тилида б ундоши в ундошига, а унлилари о га алмашган: та:па +н=та:пан>тапан>табан>таван>товон.

Форс лугатшунос олими Деххудо лугатига товоно туркий ўзлашма сифатида келган. Форс тилининг изохли лугати, шунингдек, Муин, Умид форс лугатлари ҳам бунга тасдиқлайди.

Товон (баъзи ўринларда таван) сўзининг бошқа – жарима, ҳақ тўлаш маънолари ҳам бор. Айнан шу маънода қўлланиладиган товоно форс тилидан ўзлашган. Лекин тилимизда товоно тўлаш феъли кўп ўринда тавон тўлаш шаклида ҳам келади.

Юқоридаги ҳар икки сўз ўзига хос семантик юк ва тарихий илдизга эга. Улар ўзаро фонетик жиҳатдан ўхшаш бўлса-да, турли тиллардан кириб келган. Тил тараққиёти замирида "товон" сўзи туркий илдизга эга бўлиб, форс тилида шакланган "тавоно" билан фонетик ва семантик яқинлик туфайли чалқаш ёки параллель маъноларда ривожланган бўлиши мумкин. Бу каби сўзлар этимологик конвергенция, яъни турли манбадан келиб чиққан, лекин шаклан яқинлашган сўзлар ҳодисаси билан изоҳланади.

Ирода РАҲМОНАЛИЕВА



## ТАНЛОВ

"Jadid" газетаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан ҳамкорликда "Долзарб 90 кун" лойиҳаси доирасида мактаб ўқувчилари орасида Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат, миллий қадрият ва аъналаримизга ҳурмат туйғуларни тараннум этилган, шунингдек, маърифатпарвар жаҳидларнинг ибратли фаолиятини мустақил таҳлил ва талқин қилишга бағишланган



## “ЖАДИД БОБОМГА МАКТУБ”

ижодий иншо танлови эълон қилинган эди. Эътиборли жиҳати, ушбу танлов юртимиздаги жуда кўп мактаб ўқувчиларида катта қизиқиш уйғотди. Жорий йилнинг 31 июлга қадар тахририятимизга 24 мингга яқин иншолар келиб тушгани ҳам шундан далолатдир. Аини пайтда таниқли ижодкор ва ўқитувчилардан иборат нуфузли ҳакамлар хайъати томонидан диққат билан ўрганилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида танлов ғолиблари аниқланиб, белгиланган тартибда тақдирланади.

Қўйида тахририятимизга йўлланган иншоларнинг ҳудудлар кесимида тақсимооти билан танишинг:

Вилоят номи	Иншо топширганлар сони	Навоий	2626
Тошкент	1418	Қашқадарё	741
Тошкент вилояти	618	Самарқанд	2092
Андижон	1027	Сирдарё	304
Бухоро	959	Сурхондарё	648
Фарғона	9443	Хоразм	532
Жиззах	389	Қорақалпоғистон Республикаси	385
Наманган	2677	Умумий сони:	23859

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда "Jadid" газетаси тахририяти жамоалари Уюшма аъзоси, танқили шоир Ботиржон Эргашевга волидаи муҳтарамаси **Соракон ая МАДҒОЗИЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ  
Қўллаб-қувватлаш  
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”  
ЖАМОАТ ФОНДИ

**Бош муҳаррир:**  
Иқбол Мирзо

**Масъул котиб:**  
Шухрат Азизов

**Набатчи муҳаррир:**  
Акмал Жумамуродов

**Саҳифаловчилар:**  
Эркин Ёдгоров  
Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Адади – 19 083

Шундан:  
Кирилл ёзувида – 7 430  
Лотин ёзувида – 11 653  
Медиа кузатувчилар – 92 841  
Буортма: Г – 839  
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.  
Нашр кўрсаткичи – 222.  
Ташкилотлар учун – 223.  
1 2 3 4 5 6



**Манзилимиз:**

Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани,  
Навоий кўчаси, 69-уй

**Телефонлар:**

Қабулхона: (71) 203-24-20  
Девонхона: (97) 745-03-69  
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17  
Jadid\_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонаси.

**Босмахона манзили:**  
Тошкент шаҳри,  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00  
Босишга топширилди: 20:00  
Сотувда нархи эркин.

